*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 112 (3007)
ЖУМА
14 МАЙ 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

*ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА*

## ТОШКЕНТДАГИ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИКУВЧИЛИК БИРЛАШМАСИ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ КОЛЛЕКТИВНИ МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ВА ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШГА САФАРБАР ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шуни қайд этдики, Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Қизил тонг» ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмасининг партия комитети коллективни маҳсулот сифатини яхшилашга ва турларини кўпайтиришга сафарбар қилиш соҳасида катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда. Партия комитети ва цех партия ташкилотлари коллективнинг юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги кўп йиллик яхши анъаналарини қўллаб-қувватламоқдалар ва ривожлантирмоқдалар. Улар ходимларни корхона маркасининг шарафи учун масъулиятни сезиш руҳида тарбияламоқдалар, маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг техникавий даражасини ошириш коллектив ҳар бир аъзоси ижодий меҳнатининг энгли зарурати бўлиб қолишига интилмоқдалар.

Партия комитети ўзининг амалий фаолиятида цех партия ташкилотларининг, коммунистларнинг, бирлашма ҳамма ходимларининг диққат-эътиборини ҳар бир иш операциясида ва тайёр буюмларда маҳсулот сифатининг пландаги даражаси стабиль бўлишини таъминлашга қаратмоқда. Бирлашмада саратовликларнинг маҳсулотни нуқсонсиз тайёрлаш системаси республика корхоналари орасида биринчилар қатори жорий этилди ва ҳозирги вақтда поток усулда тайёрланаётган маҳсулотнинг 90-92 проценти биринчи бор тақдим этишдаёқ топширилмоқда.

Партия комитети маҳсулотнинг хушбичимлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш учун инженер-техник ходимларга нисбатан юксак талабчанлик қилмоқда. Партия комитетининг мажлисларида ва партия йиғилишларида айрим раҳбар коммунистларнинг шу масалаларга доир ҳисоботлари тингланмоқда, уларга амалий ёрдам берилмоқда.

Партия комитетининг маҳсулот сифатини контроль қилувчи комиссияси самарали ишламоқда. Унинг ишига кўпгина ишчилар ва мутахассислар жалб этилмоқда. Комиссия маҳсулот сифатини яхшилаш ишидаги қийинчиликларни доимо ўрганиб, аниқламоқда. Шу асосда комплекс тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Масалан, тўққизинчи беш йиллик давомида 2600 тадан ортиқ кичик механизация воситаси ишлаб чиқилиб, жорий этилди, бу эса маҳсулот узеллари ва деталларини тайёрлаш сифатини, меҳнат шароитларини анча яхшилади. Шу давр ичида технология асбоб-ускуналарининг учдан бир қисми янгиланди, олтита агрегат-группа поток жорий этилди.

Партия комитети социалистик мусобақани ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқда. Мусобақада ҳамма бригадалар, цехлар ва филиалларнинг коллективлари қатнашмоқда. Коммунистик меҳнат қилиш учун якка тартибдаги мусобақа ва мураббийлик ҳаракати кенг ривож топди. Республиканинг ўн илғори ташаббусига етти юздан ортиқ ишчи бажонидил қўшилиб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришга сўз берди. Ҳар кунги ишга мунтазам якун ясалмоқда, ғолиблар ҳар ойда тақдирланмоқда, бунда сифат коэффициентининг эришилган даражаси ҳисобга олинмоқда. Социалистик мусобақа шартларига Сифат белгиси қўйилган буюмлар ишлаб чиқаришга тааллуқли махсус бўлим киритилган. Бирлашмада илмий-техника конференциялари, конкурс-кўриклар, сифат ойликлари ва кунлари мунтазам равишда ўтказилмоқда, сифат аълочилари — «қўли гул» усталар, ишчи маҳорати Бутуниттифоқ ва республика конкурсларининг ғолиблари тажрибаси актив пропаганда қилинмоқда. Юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарган ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг мақбул системаси ишлаб чиқилган. Брак рўй берган ҳар бир ҳолат синчиклаб кўриб чиқилиб, айбдорлар маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилмоқда.

Партия комитети КПСС Марказий Комитетининг «Львов область партия ташкилотлари ва илғор саноат корхоналари коллективларининг маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш соҳасидаги иш тажрибаси тўғрисида»ги қарори асосида маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини жорий этиш билан боғлиқ масалаларни диққат марказида тутмоқда. Корхонанинг бир қанча техникавий шартлари ва стандартлари ишлаб чиқилиб, жорий қилинди, бўлимлар тўғрисидаги қоидалар ҳамда барча инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг вазифалари аниқ белгилаб қўйилган мансаб инструкцияси қайта кўриб чиқилди. Олинаётган газлама ва материалларнинг сифати устидан қаттиқ контроллик ўрнатилди.

Корхона янги моделларни ишлаб чиқаришга пухта тайёрламоқда, бунда бирлашма яхши, амалий алоқа боғлаган ўз харидорларининг фикрлари ва маслаҳатларини ҳисобга олмоқда. Маҳсулотни тайёрлаш жараёнида унинг сифати системали контроль қилинмоқда ва нуқсонларнинг олдини олиш учун оператив чоралар кўрилмоқда.

Партия комитетининг аниқ мақсадни кўзлаб олиб борган ташкилотчилик иши туфайли бирлашмада маҳсулот сифати йил сайин яхшиланмоқда, маҳсулот турларининг 50-60 проценти ҳар йили янгиланмоқда, унинг 98 проценти биринчи сорт билан ишлаб чиқарилмоқда. Олий сифат категориясидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўпаймоқда, хотин-қизлар, эркаклар ва болалар пальтоларининг 73 модели давлат Сифат белгисига сазовор бўлди. 1975 йилда сифат белгиси қўйилган маҳсулотнинг жами ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғи беш йиллик бошланган пайтдаги 2.6 процентдан 14 процентга етди. Бирлашма маҳсулоти харидорларга манзур бўлди ва чаққон сотиб олинмоқда.

КПСС XXV съездининг ўнинчи беш йилликни сифат ва самарадорлик беш йиллигига айлантириш тўғрисидаги даъватига жавобан коллективда москваликларнинг «Сифат беш йиллигига — ишчилар кафолоти» деган ташаббуси кенг қулоч ёзди. Бирлашмада меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан 1976 — 1980 йилларга мўлжалланган комплекс ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқилиб, умумий партия йиғилишида тасдиқланди.

Шу билан бирга партия комитетининг маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасидаги ишида камчилик ва нуқсонлар ҳам бор. Партия комитети ҳали маъмуриятнинг фаолияти устидан ва ўз қарорларининг бажарилиши устидан тузукроқ контроллик ўрнатишга эришгани йўқ. Айрим цехларда эскирган технология ускуналаридан фойдаланилмоқда, бичиш ва тайёрлов цехларида айрим сермеҳнат жараёнлар ҳамон механизациялаштирилган эмас. Болалар ва эркаклар пальтосини тикишда хотин-қизлар пальтосини тайёрлашда эришилган юксак сифат даражасидан етарли фойдаланилмаётир, улар орасида яхши ва хушбичим моделлар оз. Янги материаллардан оз маҳсулот тайёрланмоқда, Тайёр маҳсулотни ўраш ва жойлаш замонавий талаблар даражасида эмас.

Партия комитети ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ярмисини Сифат белгиси билан чиқаришга эришган айрим илғор цехларнинг иш тажрибасини оммалаштириш билан суст шуғулланмоқда, айниқса, филиалларда кўргазмали агитацияни ташкил этишга етарли эътибор берилмаётир. Бирлашма цехларида технология ва меҳнат интизомини бузиш ҳоллари содир бўлмоқда, бу эса маҳсулот сифатига салбий таъсир қилмоқда ва унумсиз чиқимларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкентдаги «Қизил тонг» ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмаси партия комитетининг коллективни маҳсулот сифатини яхшилашга ва турларини кўпайтиришга сафарбар этиш соҳасидаги ижобий тажрибасини қайд этди ҳамда меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш юзасидан 1976—1980 йилларга мўлжалланган комплекс ташкилий-техникавий тадбирларини тасдиқлади.

Бирлашма партия комитетига, дирекциясига КПСС XXV съезди қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Лихачев номли автомобиль заводи коллективига Октябрь Революцияси орденини топшириш вақтидаги нутқида баён этилган йўл-йўриқлар ва маслаҳатларга асосланиб, коллективнинг ўзи орттирган бой тажрибадан фойдаланиб, ҳамма ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг куч-ғайратини маҳсулот сифатини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни таъминлашга, аҳолининг хушбичим маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини янада тўла-тўкис қондиришга қаратиш топширилди. Ташкилий-техникавий тадбирлар комплексини амалга ошириш асосида реализация қилинадиган маҳсулот жами ҳажмининг бу йил камида 23 процентини, беш йиллик охирига борганда эса 50 процентини Сифат белгиси қўйиб чиқаришга эришилсин.

Ўнинчи беш йилликда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришнинг ҳаммаси асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлансин.

Партия комитетига маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши учун цех партия ташкилотларининг роли ва масъулиятини доимо кўтариш, маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан контролликни кучайтириш, маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини амалга ошириш учун бўлимлар, цехлар, участкаларнинг раҳбарларига нисбатан юксак талабчанлик қилиш, касаба союз ва комсомол ташкилотларига раҳбарликни кучайтириб, шу тарика уларнинг меҳнаткашларни, айниқса ёшларни коллективнинг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашга кўпроқ эътибор беришларига, ҳар бир ишчига ўз корхонаси учун, фабрика маркасининг шарафи учун фахрланиш туйғусини сингдиришларига, меҳнат ва технология интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлашларига эришиш тавсия этилди.

Бирлашма партия комитетига, дирекциясига, касаба союз комитетига, комсомол комитетига «Камроқ чиқим қилиб кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот берайлик» деган шиор остидаги социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтариш таклиф қилинди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни маънавий ҳамда моддий рағбатлантириш формалари такомиллаштирилсин, шу тариқа бу рағбатлантириш ходимларнинг юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан манфаатдорлигига янада кўпроқ таъсир ўтказадиган бўлишига эришилсин. Ходимларнинг малакаси, уларнинг маданий-техникавий савияси ва иқтисодий билими доимо оширилсин. Меҳнаткашларга зарур меҳнат ва турмуш шароитларини яратиб бериш, кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши чоралари кўрилсин.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига корхонани техника билан янада қайта қуроллантириш учун энг янги технология асбоб-ускуналари сотиб олишда, зарур хом ашё, ёрдамчи ва ўраш материаллари билан ўз вақтида таъминлашда «Қизил тонг» бирлашмасига амалий ёрдам бериш топширилди. Республика корхоналарининг янги, кўркам моделларга ва техникавий ҳужжатларга бўлган эҳтиёжини аҳоли талабларига биноан тўла-тўкис таъминлаш учун Тошкент кийим-кечак моделлари уйининг масъулияти оширилсин.

Область, шаҳар, район партия комитетларига, республика министрликлари ва идораларига ҳамма саноат корхоналарида сифатни бошқаришнинг илғор технологияси ва комплекс системасини жорий этишни жадаллаштириш тадбирларини кўриш ҳамда шу асосда ўнинчи беш йилликда маҳсулот сифатини тубдан яхшилашга ва Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга эришиш таклиф қилинди.

Республика газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига халқ истеъмол қиладиган кўркам ва хушбичим моллар ишлаб чиқараётган коллективларнинг иш тажрибасини тасвирловчи материалларни мунтазам равишда босиб чиқариш ва эшиттириш топширилди.

## 18-АРМИЯ ЖАНГОВАР ПОЛКДОШЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Улуғ Ватан уруши тўпларининг сўнгги садолари тинган ва Советлар мамлакатининг шавкатли Қуролли Кучлари шарафига дастлабки тинч салютлар янграган кунлардан буён орадан ўттиз бир йил ўтди. Фашизмни тор-мор этган, ўз Ватанининг мустақиллигини қаттиқ туриб сақлаб қолган, бошқа давлатларнинг халқларига озодлик бахш этган совет жангчиларининг шонли зафарларини миннатдор инсоният ҳеч қачон унутмайди. Кремль деворлари ёнида, Ленинграддаги Пискарев мемориалида, Волгоград, Новороссийск, Керчда ҳамда Ватанимизнинг ва чет мамлакатларнинг ўнлаб шаҳарларида ёниб турган абадий машъаллар ўзини мислсиз шон-шуҳратлари билан қоплаган қаҳрамонларни ҳамиша эслатиб туради.

Уруш ветеранларининг май ойида ўтказиладиган учрашувлари йил сайин тантанали тус олмоқда. Улар фронт йўлларининг унутилмас қаҳрамонона йиллари тўғрисидаги эсдаликларни ўртоқлашиб, ҳозирги кунлар, тинч ишлар тўғрисида бир-бирларига ҳикоя қилиб бериш учун тўпланишадилар. Бундай учрашувларнинг иштирокчилари учун ўтмиш ва ҳозирги кунлар бир-бири билан ҳамиша чамбарчас боғланган, чунки уларнинг жонажон Ватан йўлидаги жанговар ва меҳнат ғалабалари ҳам бир-биридан ажралмасдир.

12 май куни Москвада 18-армия ветеранларининг анъанавий учрашуви бўлиб ўтди. Кавказ, Новороссийск ва Керчь учун олиб борилган жангларнинг қаҳрамонлари Украина, Польша, Венгрия ва Чехословакияни озод қилиш учун курашдаги жанговар дўстлар мамлакатимизнинг ҳамма томонидан Совет Армияси Марказий уйига тўпландилар.

Улар ўзларининг 18-армиядаги жанговар ўртоғи ва полкдоши — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, Совет Иттифоқи Маршали Леонид Ильич Брежневни самимий, ғоят дўстона кутиб олдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев шу армиянинг солдатлари ва офицерлари билан Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан бошлаб унинг охирги кунигача бирга бўлди.

Жанговар дўстлар Леонид Ильични Совет Иттифоқи Маршали юксак ҳарбий унвони берилганлиги ва «Маршаллик юлдузи» нишони топширилганлиги билан самимий муборакбод қилдилар. Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Л. И. Брежнев туғилиб ўсган шаҳарда Ғалаба куни арафасида унинг бронза бюсти ўрнатилганлигидан астойдил мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Бу воқеа жангда ва меҳнатда ғоят буюк шижоатлари учун икки марта қаҳрамон юлдузи билан тақдирланган кишига умумхалқнинг миннатдорчилигини кўрсатувчи ёрқин далилдир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев эсдалик учун жанговар полкдошлари билан бирга суратга тушди.

Учрашувни 18-армия сиёсий бўлими бошлиғининг собиқ ўринбосари С. С. Пахомов очди.

117-гвардиячи ўқчи дивизия сиёсий бўлимининг собиқ бошлиғи В. В. Кабанов, 318-Новороссийск ўқчи дивизияси полк командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони Д. С. Ковешников, Новороссийск ҳарбий-денгиз базасининг бошлиғи, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Г. Н. Холостяков, 18-армия сиёсий бўлими бўлинмасининг бошлиғи М. М. Левин, армия сиёсий бўлимининг лектори И. П. Шербак ва бошқа ветеранлар ўз хотираларини билан ўртоқлашдилар.

Қизғин, давомли қарсаклар билан кутиб олинган ўртоқ Леонид Ильич Брежнев ветеранлар хузурида нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан ветеранларга Улуғ Ватан урушида фашизм устидан Ғалаба қозонишга катта ҳисса қўшганликлари учун, тинч йиллардаги фидокорона меҳнатлари учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев унга Совет Иттифоқи Маршали унвони берилганлиги ва «Маршаллик юлдузи» топширилганлиги, унинг туғилиб ўсган шаҳри Днепродзержинскда бронза бюсти очилганлиги муносабати билан изҳор қилган қалб сўзлари учун ветеранларга ташаккур билдирди.

Коммунистлар ленинчи партиясининг кўп қиррали фаолияти, деди ўртоқ Л. И. Брежнев, Улуғ Ватан урушида совет халқининг ғоят буюк жасорат кўрсатишини таъминлади. Бизнинг партиямиз ва Совет давлати тинчлик ва халқаро хавфсизликни таъминлаш учун, ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини барқарор топтириш учун актив кураш олиб боришдан иборат ленинча ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Бу эса Хельсинкида қабул қилинган ҳужжатларнинг руҳига мувофиқдир.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари партия XXV съезди қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги, КПСС Марказий Комитети совет халқининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш учун съезд қабул қилган программани қандай рўёбга чиқараётганлиги тўғрисида батафсил гапирди. Ўртоқ Л. И. Брежнев барча ғалабаларимизнинг гарови — партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги эканлигини таъкидлаб ўтди.

Леонид Ильич Брежнев уруш ветеранларига сиҳат-саломатлик, узоқ умр, ўз оталари ва боболари бошлаган ишларнинг содиқ давомчилари бўлган ёш авлодни тарбиялашда, мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишида муваффақиятлар тилади. (ТАСС).

«Ташгазаппарат» заводи бу йил мамлакатимиз халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун 13 мингдан зиёд икки ва уч комфорали газ плиталари етказиб беради. Ҳар куни корхона коллективи мамлакатимизнинг турли шаҳарларига ўнлаб газ плиталарини жўнатиб турибди.

СУРАТДА: мастер Николай Котляр ва ишчан жойловчи Давлат Тўхтаев янги газ плиталарини жўнатишга тайёрлашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

*• Янгийўлликлар ташаббуси кенг қулоч ёйсин*

## ЯКДИЛЛИК БИЛАН

Янгийўл шаҳри саноат корхоналари коллективларининг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ҳаракатига қўшилиш ҳақидаги республика меҳнаткашларига чақириғи В. И. Ленин номли электрон техника заводида кенг тарқалмоқда.

«Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси партия-хўжалик активи ва умумзавод партия йиғилишида муҳокама қилинди. Завод мураббийларининг биринчи слётида барча мураббийлар ва тажрибали ишчиларга «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббусига қўшилиш ҳақида мурожаат қабул қилинди.

360 мураббий ёшларга ишчи касбисирларини ўргатиш бўйича шахсий социалистик мажбурият олди. «Ўз касбининг устаси» номини олиш учун мусобақалашаётган 930 ишчи ёш ишчиларга оталиқ қилиш ва уларнинг ишлаб чиқариш маҳоратларини ўстиришга шахсий ёрдам кўрсатишга аҳд қилди.

Ёш ишлаб чиқариш илғорлари, комсомол активлари йиғув цехининг комсомоллари бошлаган «Новаторнинг бугунги марраси — эртага ҳамма учун норма бўлсин» ташаббусига ва «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ҳаракатига қўшилиб, 600 ёш ишчига ишлаб чиқариш маҳоратини ошириш ва уларни аралаш касбларни эгаллашларига оталиқ қилиш юзасидан шахсий мажбуриятлар қабул қилишди.

**Ю. ЗВЯГИНЦЕВ,**
**В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи партия комитетининг секретари.**

## ИШЧИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

КПСС XXV съезди қарорлари асосида ҳунар-техника таълимини янада ривожлантириш масалаларига бағишланиб 13 май куни Тошкентда республика партия активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда область шаҳар партия комитетлари ва бир қанча район партия комитетларининг, область комсомол комитетларининг секретарлари, касаба союзлари органларининг масъул ходимлари, министрликлар, идоралар, йирик корхоналарнинг раҳбарлари, область ҳунар-техника таълими бошқармаларининг бошлиқлари, ҳунар-техника билим юртлари директорлари, бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, ўқитувчилари ва мастерлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов очди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг Раиси П. К. Қаюмов доклад қилди.

Йиғилишда кейинги йилларда республика малакали кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинганлиги, бу соҳада ҳунар-техника таълими катта роль ўйнаётганлиги уқтириб ўтилди. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида ҳунар-техника билим юртлари анча кўпайди. 149 та шундай билим юртлари қурилди ва ташкил этилди. Ўқувчилар сони 2,6 баравар, шу жумладан ўрта ўқув юртларида 11 баравардан зиёд кўпайди. Ҳозирги вақтда 279 та билим юртида 128 минг йигит-қиз таълим олмоқда. Улардан учдан бир қисми касб ўрганиш билан бирга ўрта маълумот ҳам олмоқда. Инженер-педагоглар составининг малакаси ошди, ўқув юртларида тарбиявий ишлар яхшиланди.

Докладчи ва сўзга чиққан ўртоқлар шу муваффақиятлар ҳақида гапириб, республикада ҳунар-техника таълимини ривожлантириш ва ишчи кадрлар тайёрлашнинг сифати КПСС XXV съезди талабларига тўла равишда жавоб бермаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Айрим ўқув юртларида таълим-тарбия процессини ташкил этишда ўқитувчиларнинг профессионал маҳоратини ва ғоявий-сиёсий савиясини ошириш борасидаги ишларда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Янги ҳунар-техника билим юртлари сусткашлик билан қурилмоқда. Баъзи министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлари ўқув юртларини қуриш учун ажратилган маблағларни ўзлаштириш тўғрисида, уларнинг таълим-материал базасини мустаҳкамлаш ҳақида етарли даражада ғамхўрлик қилмаяптилар. Ҳунар-техника таълимини пропаганда қилишни, ёш авлодни ишчилик касбкорларини танлашга йўллаш ишини анча яхшилаш керак. Мактабларнинг, ҳунар-техника билим юртлари, корхоналарнинг кўпгина коллективлари, комсомол ташкилотлари бу соҳада бўш ишламоқдалар.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, маҳаллий советларнинг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети ва унинг маҳаллий органлари, республикадаги барча министрликлар ва идоралар ҳунар-техника таълимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш юзасидан КПСС XXV съезди қарорларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари кераклиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

СССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети Раиси А. А. Булгаков шу вазифаларни амалга ошириш борасидаги бир қанча масалаларга тўхталиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади.

Актив йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар Й. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

**Тонгги газеталарда**

**▲ 12 май куни Москвада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши Ижроия комитетининг 76-мажлиси бўлиб ўтди. Ижроия комитет Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши навбатдаги сессияси мажлисига тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди.**

▲ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари учун ёзувчи Саида Зуннунова га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

**▲ Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиб алоқа системаларини янада ривожлантириш программасига мувофиқ 1976 йил 12 майда Совет Иттифоқида «Молния — 3» алоқа йўлдоши юқори эллиптик орбитага чиқарилди. Йўлдошда системанинг сантиметр тўлқинли диапозонда ишлашини таъминлайдиган ретрансляцион аппаратлар бор.**

**ФУТБОЛ**

## ҲИСОБ ОЧИЛМАДИ

**Кеча футбол бўйича СССР чемпионатининг навбатдаги турида Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари Кутаиси шаҳрида маҳаллий «Торпедо» командаси билан куч синашдилар. Бу учрашувда ҳар икки коллективнинг барча ҳаракатларига қарамай, ҳисоб очилгани йўқ—0:0.**

**Шундай қилиб ҳамшаҳарларимиз сафарда ўтказилган икки ўйинда бир очкони қўлга киритдилар.**

**«Пахтакор» навбатдаги учрашувни 20 май куни ўз майдонида «Спартак» (Нальчик) командаси билан ўтказади.**

## СЪЕЗДГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ

**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўз ишини бошлаган илмий-техник конференция КПСС тарихий XXV съездига бағишланди. Конференцияни институт ректори, профессор Т. Р. Рашидов очди. Умумий мажлисда конференция қатнашчилари Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министри В. У. Усмоновнинг «КПСС XXV съезди материаллари асосида пахта тозалаш саноатининг вазифалари», Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Ҳ. Қурбоновнинг «Ўнинчи беш йилликда енгил саноат ривожланишининг асосий йўналишлари» деган мавзулардаги докладларини тингладилар.**

**Шундан сўнг тайёрланган докладлар 22 секцияда тингланиб, муҳокама қилина бошланди. Икки ҳафта давом этадиган бу конференцияда 314 та доклад ўқилади ва муҳокама қилинади.**

**Илмий анжуманда Олмаота, Херсон, Иваново, Душанба шаҳарларидан, Фарғона, Наманган, Бухоро ва Тошкентдаги саноат корхоналари, илмий муассасалардан келган олимлар, инженер-техник ходимлар ҳам ўз докладлари билан иштирок этмоқдалар.**

**Қ. МАЛИКОВ.**

## «ЗАНГОРИ ОЛОВ» ХОДИМЛАРИ КЕНГАШИ

**КЕЧА**

**Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида газ тармоқлари ходимларининг республикалараро илмий-техника конференцияси бўлиб ўтди.**

«Ўзбекистон ССР газ тармоқлари системаларида техника хавфсизлиги бўйича ишларни янада яхшилаш ва газ тармоқлари иш фаолиятини мустаҳкамлаш» мавзуисида ўтказилган конференцияда республикамиздаги газ саноати тармоқлари ва газ тармоқларини лойиҳалаш институтлари билан бир қаторда Белоруссия, Украина, Арманистон, Грузия каби барча қардош республикаларнинг Главгаз бошлиқлари ҳам иштирок этишди.

«Зангори олов» ходимларининг республикалараро конференциясида Ўзбекистон ССР Главгаз бошлиғи А. Отажонов, Белоруссия ССР Главгаз бошлиғи Е. М. Чайка, шаҳримиздаги «Узгипрогаз» лойиҳалаш институтининг бош инженери Т. Абсалямов каби нотиқлар сўзга чиқиб, газ тармоқлари системаларида қўлга киритилаётган ютуқлар ва қилинадиган иш режалари ҳақида гапирдилар.

Конференция залида газ тармоқлари системаларида шу кунларда қўлланилаётган аппаратлар кўргазмаси ташкил қилинди. Қатнашчилар илғор тажрибаларни ўртоқлашдилар.

# КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

●СЎЗ—ҚУРИЛИШ РАҲБАРЛАРИГА

## ТЕЗ ВА СОЗ

Жонажон партиямизнинг XXV съездидаги Ҳисобот докладида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев **«Тез, чидамли ва замонавий техника асосида қуриш — капитал қурилишда юксак самарадорликка эришишнинг шартларидир. Бинобарин, биз кўп миллионли қурувчилар армияси ана шундай ишлашига аминмиз»**, деган эди. Айни пайтда, бу сўзлар қурилиш ишлари сифатини яхшилаш ва иш суръатларини жадаллаштиришнинг тўғри йўлини ҳам белгилаб беради. Шу билан бирга, бизнинг ана шундай ишлашимиз учун билдирилган бу ишонч бинокорларимизни янги меҳнат ютуқларига чорла ди.

КПСС XXV съезди қарорларини чуқур ўрганиб чиққан, 11-«Висотстрой» трестига қарашли бизнинг 69-қурилиш бошқармамиз бинокорлари ҳам ўз ишларини съезд қарорлари асосида ташкил этиш туфайли яхши ютуқларни қўлга киритяптилар.

Тўққизинчи беш йилликда қурилиш ишларини намунали ташкил этиш ва сермеҳнат ишларни механизациялашда яхши ютуқларни қўлга киритган М. Ҳабибуллаев ва П. Костенко бошлиқ бригада коллективлари социалистик мусобақанинг олдинги сафида бордилар. Улар сифат ва самарадорлик беш йиллигининг дастлабки йилида ҳам зиммаларига юксак мажбуриятлар олиб ишлашмоқда. Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери М. Ҳабибуллаев бошлиқ бригада бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқни бажариш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ўнинчи беш йилликда 2250 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўз зиммаларига мажбурият олишган.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи П. Костенко бошлиқ злобинчи бригада коллективи эса ҳозиргача 500 минг сўмликдан ортиқ қурилиш ишларини бажариб қўйдилар. Бошқармамизнинг В. Врублёвский бошлиқ бригадаси коллективи ҳам пешқадамлар сафида бормоқда. Бу бригадалар трест ва бошқарма социалистик мусобақаларида ғолиблик қилишмоқда.

Бошқармамиз бинокорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Янгийўл шаҳри коллективлари ва ташкилотларининг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» деган шиор остида ишлаш ҳамда КПСС XXV съезди қарорлари асосида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш соҳасидаги ташаббуси тўғрисида»ги қарорини қизғин кутиб олдилар. Бошқармамизнинг кўплаб пешқадам коллективларида қурувчилар касб маҳоратини ошириш, янги ишга келган ёш бинокорларга мураббийлик қилиш бўйича катта тажриба тўпланган. М. Ҳабибуллаев бошлиқ бригада коллективини ана шундай ёш ишчиларга оталик ёрдамини намунали тарзда уюштираётган коллектив сифатида тилга олиш мумкин. Ана шунинг учун ҳам бу бригадада биронта ҳам қолоқ бинокор топилмайди.

«Тез ва соз қурайлик» шиори остида мусобақалашаётган бошқармамиз қурилиш коллективлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида кўплаб объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш ва улардаги ишларни юксак сифатли қилиб бажариш бўйича ҳам зиммаларига мажбуриятлар олишган.

Бошқарма бўйича бу йил пландан ташқари 60 минг сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш плани кўзда тутилганидан икки процент ортиқ қилиб бажарилади. Иккита бригада Н. Злобин методи асосида ишлашга ўказилади. Бундан ташқари, қурилиш ишларини тўғри ташкил этиш, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш туфайли 10 тонна металл, 10 минг дона ғишт ва бошқа кўплаб қурилиш материаллари тежаб қолинади. Бошқарма аҳли 1976 йил учун олинган ана шу юксак марраларни эгаллаш учун катта уюшқоқлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда.

**С. АБДУРАЗЗОҚОВ,**

**11-«Висотстрой» трестига қарашли 69-қурилиш бошқармаси касаба союз комитетининг раиси.**

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат аҳли ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Сиз суратда шу фирманинг илғор ишчиси ВЛКСМ аъзоси Латофат Қўрғонованн кўриб турибсиз. Бу меҳнат зарбдори кунлик нормасини доимо ортиғи билан адо этиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Оқшомхон Н. Шоинногомов фотоси.

●*Беш йиллик илғорлари минбари*

## Ютуқлар омили

КПСС XXV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган бирлашмамиз коллективи кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлашда катта ютуқларга эришмоқда. Сифат ва самарадорлик беш йиллигининг ўтган тўрт ойи мобайнида корхонамизда талайгина ўзгаришлар бўлди. Меҳнат коллективлари, ҳар бир мутахассис ва ишчининг ягона мақсад — партия ва ҳукуматимиз коллектив олдига қўйган вазифани уддалаш учун фидокорона меҳнат қилганлиги туфайли тўрт ойлик план барча кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди.

Республикамиз, қардош Ўрта Осиё республикалари аҳолисига планга қўшимча 530 минг сўмлик трикотаж буюмлари етказиб берилди. Шундан 50 минг сўмлик ёки 4 минг буюм Давлат Сифат белгиси билан чиқарилди. Меҳнат соҳасида эришилган юксак натижалари учун бирлашма коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ва Дипломи билан тақдирланди.

Муваффақиятлар ўз-ўзидан қўлга киритилаётгани йўқ. Цех, лаб тайёрлашга қониқарли ҳол деб қаралар эди. Энди эса бу кўрсаткич жуда ачинарли ҳодиса бўлиб қолди. Сабаби, мусобақада ғолиб чиқиш учун кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш асосий шарт қилиб қўйилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, бирлашма раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари самарадорликни ошириш йўлларини тинмай қидирмоқдалар. Цехлар замон талабига жавоб берадиган янги тикув машиналари билан ускуналанмоқда. Рационализатор ва ихтирочилар ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, кўп қўл меҳнати талаб қиладиган вазифаларни механизация зиммасига юклаш бўйича унумли меҳнат қилишяпти.

Бирлашмамизда номи фақат корхонамиздагина эмас, бутун республикамизга машҳур бўлган ишчилар билан бирга, эндигина меҳнат биографиясини бошлаётган ўсмирлар ҳам бор. Илғор тажриба оммалашгандагина умумхалқ мулкига айланади, хўжаликни ривожлантириш учун катта фойда келтиради. Буни пешқадам, новатор ишчиларимиз яхши тушунишади. Шунинг учун ҳам уларнинг 2—3 ёш ишчини оталиққа олиб, уларни техника сирларини мукаммал билиб олиш, касб маҳоратларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашмоқдалар.

Кейинги тўрт ой давомида Давлат Сифат белгиси билан тайёрлаётган буюмларимиз сони 20 тага етди, Миқдор эса жуда тез ўсмоқда. Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси билан чиққан тўқувчи Ш. Ҳолмуҳамедова, тикувчи-мотористка Л. Феоктистовалар мураббийлик соҳасида ҳам салмоқли иш қилишяпти. Уларнинг сафига барча илғор ишчилар қўшилишди.

Янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» ташаббуси барча цех, участкаларда муҳокама қилиниб, маъқулланди. Шу кунларда сентябрь ойи ҳисобига меҳнат қилаётган Р. Маткаримова, Е. Киврикис, М. Қодирова, Э. Суздальцева, Д. Ҳакимова, А. Гладкова сингари ўнлаб тўқувчи ва тикувчилар ўз шогирдларини ҳам беш йиллик топшириғини кўп деганда 3—3,5 йилда бажаришни таъминлаш мажбуриятини олишди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, КПСС XXV съезди қарорларида барча меҳнаткашлар олдига бош вазифа қилиб қўйилган сифат ва самарадорликни ошириш имкониятлари хилма-хил. Бирлашмамизда улардан тўла фойдаланиш учун кураш тобора авж оляпти. Бу эса ўз навбатида юксак кўрсаткичларга эришишимизга сабаб бўляпти.

**Е. СЕРГЕЕВА,**

**«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери.**

✦ ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ — ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ
✦ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК БЕШ ЙИЛЛИГИДА
✦ ВАҚТДАН ЎЗГАНЛАР
✦ ЯНГИ МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ
✦ ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАР
✦ ШУ НАМУНАЛИ ХИЗМАТМИ?

*Бош мухбиримиздан*

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ ХАТЛАР

●*Ишчи номи—улуғ ном*

## ПЕШҚАДАМЛАР

Шаҳримиздаги кўнгалантерея буюмлари фабрикасининг коллективи йил бошидан ишни социалистик мусобақа асосида ташкил этганлиги туфайли ой сайин дуруст натижаларга эришяпти.

Чеварлар КПСС XXV съезди қарорларига жавобан ўнинчи беш йилликда қолоқларсиз, самарали меҳнат қилишни асосий шиор қилиб олишган. Шунинг учун ҳам ҳар бир цех, бригада аъзолари маҳсулот сифатини яхшилаш билан бирга, юқори унумдорликка эришмоқдалар.

Чеварлар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили тўрт ойлик кўрсаткичлари бўйича ҳам юксак маррани эгалладилар. Улар шу давр мобайнида пландаги 857 минг сўм ўрнига 1 миллион 114 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, меҳнат унумдорлиги планини 112 процентга етказишди.

Чеварлар янгийўлликларнинг «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» деган ватанпарварлик ташаббусига якдиллик билан қўшилдилар. Шуни таъкидлаш керакки, бу умумхалқ курашида барча цех ишчилари актив қатнашиб, зиммаларига юксак мажбурият олган ҳолда иш юритмоқдалар. Бунда ишчи номини улуғлаётган Маҳмуд Одилов, Қўчқор Шораҳмедов, Раҳим Эгамбердиев, Ғани Мўминов, Насиба Пўлатова каби мусобақа ғолиблари ишлаб чиқариш нормасини ортиғи билан бажариб, касбдошларига намуна бўлишяпти.

**М. РАҲИМОВА.**

бригада, смена ва ишчилар ўртасида социалистик мусобақани тўғри ташкил қилиниши самарали натижа беряпти.

Мана бир кичик мисол. Ўтган йили бир ишчи смена давомида тайёрлаган маҳсулотининг 7—8 процентини нуқсон би...

▲ ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРДА

### *Ёш олимлар конференцияси*

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Олимлар уйида КПСС XXV съезди материалларини ўрганишга бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

Илмий конференция қатнашчилари Ф. Шукурова, Ж. Ибодов, А. Ҳасанов, А. Қодиров, Т. Тиллаев ва бошқа ўртоқларнинг КПСС XXV съезди қарорлари ҳамда унинг ҳаётга татбиқ этиш ҳақида докладларини қизиқиш билан тингладилар. Партиямизнинг халқ фаровонлигини ошириш, фанни тараққий эттириш, ҳозирги замон физикасининг баъзи фалсафий масалалари тўғрисида гапирилди.

**Ҳ. ҲАМИДУЛЛАЕВ.**

## РЕКОНСТРУКЦИЯДАН СЎНГ

«Гордорстрой ремонт» трестининг 3-ремонт қурилиш бошқармаси йўлсозлари Академическая кўчасини реконструкция қилишмоқда. Озгина вақт ўтиши билан кўча яна кўркамлашди. Эндиликда унинг янги номи ҳамшаҳримиз, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. Соломатин номи билан юритилмоқда.

Ана шу ердан ўтган ҳар бир йўловчи кўчанинг кўркамлаштирилганини кўради. Пўллар кўм-кўк уйғонлар билан икки ёққа ажратилган бўлиб, иккала четда икки метрдан иборат йўлкалар барпо қилинган.

### Бугун

Муқимий кўчасидан тортиб то Волгоград кўчасигача олиб борилган ободонлаштириш ишларининг барчаси ниҳоясига етказилди. Ҳадемай янги кўча Муқимий— Богдан Хмельницкий кўчасигача давом эттирилади.

**Ф. РАҲМАТОВ.**

●*Депутатлар сайловчилар ҳузурида*

## НАКАЗЛАР БЕРИЛДИ

Маҳаллий Совет депутатлари билан сўнгги бор учрашувдан бери орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Шундай бўлсада, меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати, Тошкент Давлат медицина институтининг ректори, академик Ўктам Орипович Орипов билан Ҳамза район Совети депутати, район ижроия комитети раисининг ўринбосари Д. М. Зиёвутдинов ўртоқлар ўз сайловчилари билан яна учрашдилар. Бу учрашув райондаги 216-ўрта мактаб биносида бўлиб ўтди.

Депутатларнинг ўз сайловчилари билан бўлиб ўтган сўнгги учрашувларидан буён районнинг ана шу қисмида катта ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Биргина «Оқ уй» маҳалласидагина Мўйноқ, Висол, Оқдарё каби кўчалар электрлаштирилди. Хонадонлар ва кўчаларда намунали санитария тартиби ўрнатилди. Аҳолини «Зангори ёқилғи» билан таъминлаш, чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетишнинг аниқ графиги тузилган ва унга қатъий риоя қилинмоқда. Бунга жавобан маҳаллаларнинг аҳолиси ҳашар йўли билан шу йил кўкламда бир минг тупдан ортиқ манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, ниҳоллар ва гул кўчатлари ўтқаздилар.

Район территориясида ободонлаштириш ишлари ҳамон қизғин давом этмоқда. Масалан, Боку кўчасида газ қувурлари ётқизилмоқда. Бу жойлардаги меҳнаткашларнинг фарзандлари учун 216-мактабнинг янги биноси лойиҳа ҳужжатлари тузилди.

Халқ вакиллари сайловчиларга Ҳамза районида ва Тошкент шаҳрида 1976 йилда амалга ошириладиган ишлар ҳақида сўзлаб беришди.

Сайловчилар номидан сўзга чиққан Л. Басова, М. Расулев ва бошқалар ободонлаштириш ишларига эътибор берганликлари учун депутатларга миннатдорчилик изҳор қилдилар. Шу билан бирга, маҳалла территориясида автомат телефон ҳамда «Союзпечать» киоскаси зарурлиги тўғрисида наказлар берилди. Шунингдек, сайловчилар Мўйноқ ва Висол кўчаларида озиқ-овқат магазинлари йўқлиги сабабли, аҳоли олис жойларга бориб харид қилаётганликларини ҳам айтдилар.

Депутатлар бу илтимосларни ижобий ҳал этиш учун барча имкониятлардан фойдаланажакларини айтдилар.

**А. АЛИМАТОВ.**



Оқшомхон Ҳ. Мирзакаримов шаҳримиз ҳуснига-ҳусн қўшаётган қўли гул бинокорларимиз ҳузурида тез-тез бўлиб, уларнинг дам олиши ва ҳаётини тасдиқловчи фотолавҳалар олиб қайтади. Унинг мана бу суратида матбуот уйининг «Тошкент» меҳмонхонаси томонидан кўриниши тасвирланган.

## ГАЗЕТХОН МАҚТАЙДИ...

### РАҲМАТ, ҲАЙДОВЧИ!

**Мен оиламиз аъзолари билан бирга яқинда «Йўлдош» шаҳарчада истиқомат қилувчи қариндошимизникига меҳмонга борган эдим. Бу ердан «Янгиобод» массивидаги уйимизга таксида боришга тўғри келди. 5-таксомотор паркига қарашли 90—86 ТНД такси машинасига ўтирдик.**

**Ҳайдовчи одамшинаванда киши экан, ҳовлимизга қандай етиб келганимизни билмай қолдик. Кира ҳақини шоферга узатиб, уйга кириб кетибмиз.**

**Шундан сўнг, орадан икки соатча вақт ўтар-ўтмас, кўча эшигимиз устма-уст тақиллаб қолди. Ташқарига чиқсам қаршимда ҳалигина бизни олиб келган такси машинасининг ҳайдовчиси турарди.**

**—Безовта қилганим учун кечирасиз, дея — узр сўради. у.**

**— Ҳеч қиси йўқ, келинг, хизмат, — дедим.**

**— Бугун мабодо бирор нарсангизни йўқотмадингизми! — деди ҳайдовчи.**

**Шунда мен қариндошимизникидан чиққанимизда қўлимда портфелим борлигини, унда 675 сўм пул ва паспортимни қўйганлигимни эсладим.**

**Шу орада ҳайдовчи Д. Абдукаримов машинада эсимдан кўтарилиб қолдирган портфелимни келтириб: «омонатингизни олинг» дея қўлимга тутқазди. Унга миннатдорчилик билдирдим.**

**Фахрланса арзийдиган, ажойиб ҳалол бундай ҳамшаҳримиз ҳақида оқшомхонларга маълум қилишга қарор қилдим. Раҳмат, ҳайдовчи ўртоқ!**

**М. ТЎЛАГАНОВ,**

**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси илмий-тадқиқот институтининг ходими.**

## ...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

### ДАМ ОЛИБ ЮРАДИГАН АВТОБУС

Ҳурматли редакция! Биз Шумилов станциясидаги «Иттифоқ» маҳалласида истиқомат қиламиз. Мана бир неча йилдирки, ана шу ерда яшовчиларга 5-автобус паркига қарашли 77-маршрутдаги машиналар хизмат кўрсатади. Калинин майдонидан биз томонга борадиган бу автобуслар йўловчилар асабига тегмоқда. Нега дейсизми? Келинг, яхшиси бир бошдан гапириб берай.

Маршрут оралиғи ўн километрни ташкил қилишига қарамасдан кўпинча 2 та ёки битта автобус юради. Баъзан ана шу машиналарнинг ҳам бўлмай қоладиган ҳоллари учрайди. Эрталаб ва кечқурун машинага чиқиш амри маҳол.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керак, кўпинча автобус шофёрлари ярим соатлаб йўловчиларни куттириб қўйиб, улардан патта пулини йиғишади. Уларга юракolинг, ишдан кеч коляпмиз деб кўринг-чи, балога қоласиз. Бунинг устига автобусларни ҳаммаси эски, уч бекат юрса бир бекат тўхтаб дам олади. 5-автобус раҳбарлари бошқа маршрутлардаги каби бизнинг маршрутимиздагиларга ҳам қачон намунали хизмат кўрсатишаркин?

**Т. СУЯРОВ.**

*Ҳамшаҳарлар, сизлар учун*

## ЯНГИ МАРШРУТ БЎЙЛАБ

Октябрь районидаги «Бирлик» массиви аҳолисининг илтимосига кўра 64-маршрутда қатнайдиган «Экспресс» автобуслари янги маршрут бўйлаб қатнайдиган бўлди. Олдинлари Охунбобоев майдонигача борадиган бу машиналар эндиликда Революция хиёбонигача қатнайди. «ЛАЗ—695» маркадаги ана шу маршрутда юрадиган 16 та машина Уйғур, Генерал Узоқов, Беруний проспекти, Навоий кўчаси бўйлаб ўтади.

«Чевар» фабрикаси ишчилари илтимосига кўра янги 83-маршрут уларга хизмат кўрсата бошлади.

**Р. ФОЗИЛОВ.**

Ҳаваскор фотомухбиримиз Ф. Абдурасулов ўзининг ранг-баранг темадаги фотолавҳалари билан газетамиз саҳифаларида тез-тез кўриниб туради. Сиз бу саҳифада унинг «Баҳор гуллари» деб номланган фотоэтюдини кўриб турибсиз.

## Пихи қайрилган автоматлар

Бу воқеа якшанба куни бўлди. Холиқ ака олти яшар ўғилчасини етаклаб, шаҳар айлангани чиқди. Ота-бола Калинин майдонида автобусдан тушишди.

— Сув ичаман, — деди Бахтиёр ҳиқиллаб.

«Болалик — подшолик» деганларича бор. Бахтиёр сув сотиладиган дўкондан эмас, автоматдан сув ичаман деб туриб олди. Холиқ ака уни етаклаб савлат тўкиб турган автоматлар олдига борди. Буни қарангки, ёнида на уч тийинлик, на бир тийинлик пули бор экан.

— Ўн тийин ташласангиз анави автомат майдалаб беради, — деди ўткинчилардан бири маслаҳат бериб.

Холиқ ака сув автомати ёнида турган пул майдалайдиган машинага 10 тийин ташлаган эди, на ўзининг пулини, на майдаланган чақани ололмай қолаверди. Автомат ҳеч нима бўлмагандек, гўлайиб турибди.

— Яхшиси табиат музейининг олдига боринг, ўша ерда бир одам пул майдалаяпти, — деб тушунтирди яна бир йўловчи.

Ота-бола бошлашиб табиат музейининг олдига боришди. Бу ерда чиндан ҳам бир киши чақа майдалаб ўтирган экан.

Болакай ўз қўли билан бекатдаги автоматга уч тийин ташлади. Қизиқ, бу автомат ҳам «қўли эгрироқ» экан 3 тийинга сиропсиз сув бериб қўя қолди. Автомат одам эмаски, изза қилсанг.

Ота-бола индамай троллейбусга тушишди. Тошкент марказини айланадиган бўлишди. Бола эмасми, Бахтиёр яна сув ичаман деб ҳархаша қила бошлади. «Тошкент» меҳмонхонасининг биқинида сув сотадиган аппаратлар ҳам, пул майдалайдиган автомат ҳам бор экан. Лекин бу ердаги автомат ҳам ишламади. Холиқ ака нарироқдаги газета дўконига борди. 10 тийинлик узатиб майдалаб беришни сўраган эди, сотувчи дўкон ойнасига ёпиштириб қўйилган қоғозга имо қилди. Қоғозда шундай сўзлар катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган эди: «Бу ерда пул майдаланмайди».

— Начора, одамлар чақа сўрайвериб безор қилиб юборди, — деди сотувчи ночор оҳангда.

Ота-бола бошлашиб Киров кўчасига боришди. Пархез таомлар ошхонаси ёнидаги автомат бинойидек ишлаб турган экан. Ким ўн тийин ташласа дарҳол жавоб қайтаради: иккита уч тийинлик битта бир тийинлик тешикчадан думалаб чиқади.

— Бу қанақаси, ўн тийинга етти тийин қайтарар экан-да, — деди навбат кутиб турганлардан бири.

Холиқ ака кулди.

— Шунисига ҳам шукур қилинг. Хизмат ҳақига уч тийиндан олиб қолаётгандир-да.

Бошқа бир киши гап ташлади.

— Ҳайронман, бу автоматлар нега ҳеч қачон ўзининг зарарига адашмайди!!!

На чора, автоматларни анойи одамлар ўйлаб топган эмас. Нима бўлганда ҳам улар бу аппаратларни яхшироқ ишлатиб қўйишса ёмон бўлмасди. Негаки, ёз келяпти. Эрта-индин кун қизиб кетади. Шундай экан, ёзга ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш керак.

### Ҳам куласиз, куясиз

## ПАРҲЕЗ НОН ИЗЛАБ

Музаффар ака қандли диабет касаллигига йўлиққан. Врачларнинг тавсиясига кўра у қора нон истеъмол қилиши керак. Лекин бунақа нонни топиш осон эмас. Қайси куни у «Октябрь» колхози бозорини бир соатча айланиб қора нон тополмади. Қайси бекатдаги гастрономга кирса, турли-туман нонлар муҳайё. Аксига олиб у излаган нон йўқ. Ниҳоят у Ленинград кўчасида жойлашган нон дўконидан ўзига керакли насибани топиб кетди.

Ўтириб-ўтириб ўзига таъсир қилди. Бу қандоқ гап. Бизда соғлом кишилар учун ҳам, беморлар учун ҳам ҳамма шароит яратилган. Шундай экан нега энди қанд касаллигига йўлиққан кишиларга ғамхўрлик қилмаслик керак.

Ахир бу унчалик қийин эмас-ку. Шаҳримиз дўконларига оз миқдорда бўлса ҳам қора нон чиқарилса кўнгилдагидек бўлади-ку. Шунда у Железноводск шаҳрида бўлганида рўй берган воқеани эслади. Ўшанда у шаҳар дўконига кириб қора нон сўраганида сотувчи унга махсус «Докторский» деган нонни берган эди. Бу шаҳардаги дўконларда шундай нон билан савдо қилинар экан.

«Бизда ҳам шуни йўлга қўйиш мумкин эмасми» — деб ёзибди М. Ҳакимов редакцияга.

Албатта, бундай ишни бемалол ташкил қилса бўлади. Фақат «Ташкентхлеб» бирлашмасидаги ўртоқлар бу ишга бош қўшишлари керак.

**ХУШЕРБЕК.**

# Аёл қалбининг тўлқинлари

Ҳозирги кунда китоб кириб бормаган хонадон йўқ. Балки шунинг учундир, одамлар китобни танлаб ўқийдиган бўлиб кетишган. Ҳар қандай шеър ҳам, ҳар қандай ҳикоя ҳам китобхонни мафтун этавермайди. Ўқувчи асар ўқиганида юраги жиз этса, бадани жимирлашиб кетса, асар қаҳрамонларини қаердадир кўргандек бўлса, фақат шундагина китобни севиб қолади. Китоб муаллифининг асарларини қидира бошлайди.

Китобга ихлос қўйган, адабиётни яхши кўрган аёллар, қизлардан Саида Зуннунованинг шеърлари қанақа деб сўраб кўринг, Улар шубҳасиз шундай деб жавоб беришади: шоира менинг кўнглимдаги гапларни ёзибди. Мен айтмоқчи бўлган фикрларни айтибди.

Бундай фикрни эшитиш ҳар қандай ижодкор учун жуда катта шараф. Аммо, бундай шеърни ёзиш ҳар қандай ижодкор учун жуда қийин нарса. Бунинг учун ижодкорнинг қалби ҳамиша ловуллаб туриши, у ўз қаҳрамонларининг кўнглида нима гап борлигини аниқ билиши, бу гапларни ўша нафосати билан ўша қувончи-ю, ташвишлари билан тасвир этиши керак. Саида Зуннуновада худди ана шу хусусият бор. «Бузма хаёлларимни» деб номланган янги шеърида шоира шундай дейди:

**Хаёлимни бузма, қўйиб бер эркин,**
**Қалбимни ҳисларга берайин тутиб.**
**Майли, улар менга бермасинлар тин,**
**Барибир умр ҳам бормоқда ўтиб.**

Шоира энди 50 ёшга чиқди. Ижодкор учун бу теранлик даври, қалбнинг туйғуларга тўлган даври. Саида Зуннунова умри ўтиб бораётгачини қандайдир осойишталик билан айтади. Ўзгалар ҳиссини тасвир этиш ўзининг ижодкорлик бурчи эканлигини, шоирлик вазифаси эканлигини айтиб ўтади. Худди ана шу хусусият — қалбни ҳисларга тутиб бериш хусусияти унинг деярли ҳамма шеърларига хосдир.

Шоиранинг биринчи шеъри эълон қилинганига салкам 40 йил бўлибди. Бу пайтда Саида Зуннунова ёш қизалоқ бўлган экан. Шундан буён у машаққатли, шарафли ижод йўлини босиб ўтди. У бахтиёр замонни тараннум этганида ҳам, уруш туфайли бошига чексиз кулфатлар тушган, аммо иродасини ҳеч қандай машаққат бука олмаган аёл жасоратини тасвир этганида ҳам қалбининг туйғуларини бор овоз билан куйлайди. Шунинг учун ҳам шоира «Ишқда вафо керак, ҳаётда мардлик, шоирга ҳамиша дил керак дардлик» деганида тамомила ҳақдир. Саида Зуннунованинг шеъриятида ишқда вафодор, ҳаётда мард аёлларнинг қалбида дарди ва қувончи бор аёлларнинг туйғулари ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам китобхон аёллар унинг шеърларида бир ўзини кўргандек бўлади. Бу хусусият шоиранинг жуда кўп шеърларига хосдир.

Саида Зуннунова она қалбининг нозик тебранишларини, меҳрга тўлиқ тўлқинларини гоят нафосат билан тиниқ тасвирлайди. Унинг асарларида аёл ва уруш мавзуси кенг ўрин олганлиги ҳам бежиз эмас. Шоиранинг «Алла», «Лирик нутк», «Қўшниларим», «Руҳ билан суҳбат» достонларида худди мана шу мавзуга мурожаат қилинган У аёлларнинг вафодорлигини, фарзандларнинг Ватан олдидаги бурчини, она меҳрини ёниб эҳтирос билан тараннум этади. Бу достонларда Ватан, жамият, халқ тақдири акс эттирилади.

Саида Зуннунова шеъриятининг кишини мафтун этувчи яна бир хусусияти бор. Бу — уларнинг ниҳоятда самимийлигидир.

Бир шеърида у шундай дейди:

**Одамийлик излайдим**
**душманимдан ҳам,**
**Дўст қийнаса жоним**
**типирчилади.**
**Шуларни ўйлайман, биламан**
**шундан,**
**Ешлик ҳам отини тез**
**қамчилади.**

Бу сатрларни ўқиганингизда беихтиёр кўз ўнгингизда самимий, катта қалбли инсон жонланади. Йўқ, у ёшлиги тез от қамчилагани учун афсусланмайди. Душманидан ҳам дўст излагани учун ранжимайди. Умуман у одамлардан яхшилик кутгиси келади. Шу билан баробар атрофдагиларга яхшилик қилгиси келади. Сирасини айтганда ижодкор учун бундан каттароқ бахт ҳам йўқ, бундан муҳимроқ гуманизм ҳам йўқ.

Саида Зуннунованинг прозаик асарлари, айниқса кейинги йилларда яратилган ҳикоялари китобхонлар ўртасида катта ҳурмат ва шуҳрат қозонди. Баъзи ҳикояларда у фарзандларимизнинг табиатдан узоқлашиб кетаётганини, баъзан уларнинг туйғулари қашшоқлашиб қолаётганини хавотир билан тасвирласа, бошқа ҳикоясида оналик бахтининг бошқа ҳар қандай туйғулардан устунроқ бўлишини, гўдак ҳидини тотиб кўришнинг ўзи гоят катта инсоний саодат эканлигини айтади. Унинг бундан илгари турли даврларда яратилган «Гулхан», «Олов» қиссаларида, «Кўчалар чароғон», «Бахт», «Қўллар» каби ҳикояларида ҳам илғор замондошларимизнинг ажойиб фазилатлари тасвир этилган. Бу асарларда ҳаётлар ўзининг ўрнини топган. Ўзгаларга яхшилик қилишни ўз бурчи деб биладиган ажойиб кишилар образи яратилган.

Саида Зуннунова ҳам шеъриятда, ҳам прозада дилга яқин асарлар билан китобхон меҳрини қозонган ижодкор. Бундан кейин ҳам шоирага ижодий парвоз қанот бўлаверсин.

**Ў. ҲАМДАМОВ.**

# БЕЛОРУССИЯ ГИЛАМЛАРИ

Михаил Глинка номли Минск музика билим юртининг фойесини «Музика» деб номланган янги гилам безаб турибди. Унда музика тарихи акс этган, унинг инсон ҳаётидаги роли ёрқин бўёқларда тасвирланган. Мазкур бадиий полотнонинг сатҳи 69 квадрат метрни ташкил этади: узунлиги 23 метр, баландлиги 3 метр.

«Музика» деб ном олган гулдор гиламнинг муаллифи — белорус рассоми Александр Кишченко. Гилам тоза жундан Минск яқинидаги Борисов шаҳри амалий санъат комбинатида тўқилган.

Белоруссия ўзининг гулдор гиламлари билан азалдан шуҳрат қозонган. Бу гиламлар Европа подшоларининг саройларини безаган. Ҳозирда нуҳна санъат иккинчи ёшлигини бошидан кечирмоқда. Усталар эски анъаналарни сақлаб қолган ҳолда расмларга замонавий мавзуларни киритмоқдалар.

СУРАТДА: «Музика» гулдор гиламининг бир қисми.

В. Межевич фотоси, АПН.

# ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

**ҲИКОЯТ:** — Айтишларича, Миср юртига Ажам подшоларидан бири ҳужум қилмоқчи бўлди. Ҳужумдан аввал мамлакат ичида аҳвол қандай эканини билишни буюрди. Хабарчилар:

— Мамлакатда адолат пойдор экан, юрт подшоси доимо илм аҳли билан ҳамдам бўлиб, ҳар бир ишни ақлу—тадбир билан амалга оширар экан, — деб жавоб келтирдилар.

БАЙТ:

**Ишни ўйлаш оқил кишининг иши,**
**Аҳмоқнинг дунёда бўлмас ташвиши.**
**Ҳар кимда ўткир рой ва тадбир бордир,**
**Жанг ичра ғалаба доимо ёрдир.**
**Неча ёш бўрини бир қари тулки,**
**Тузоққа тушириб қилади кулки!**

Хабарни эшитган Ажам подшоси:

— Адолат барқарор бўлиб, ақлу —тадбир билан иш тутилаётган жойга ҳужум қилиб, бирор муваффақиятни қўлга киритиш амри маҳол! —деди ва ҳужум қилишдан ўзни тийди.

НАЗМ:

**Беақл бўлма ҳеч, беақл киши,**
**Оёқсиз қурт каби юриш-туриши.**
**Тузишу йўқ бўлиш — бу нифоқдандир.**
**Ғалаба доимо иттифоқдандир!**

Илму-маърифат ва мулойимлик билан ўзини безаган кишини хушхулқ деб атайдилар. Аммо киши қанчалик бадфеъл ва бадхулқ бўлмасин у илм нури билан хулқини тузатиши ва ҳақиқий хушхулқ ва камтар кишига айланиши мумкин. Бу ҳақда шундай ҳикоят қиладилар.

Айтишларича, Ҳиндистонда бир доно киши бўлиб, у кўпдан Арасту ҳақида эшитиб юрар экан. Бир куни уни синамоқчи бўлиб, расмини чиздирди ва бир шогирди орқали Арастуга юборди. Ундан расмга қараб туриб, феълу-атвори ҳақида гапириб беришни сўради. Шогирд расмни олиб, Арастунинг олдига келди ва воқеани айтди. Арастунинг жавобини олиб қайтган шогирд устоз олдига келиб:

— Арасту бутунлай бўлмағур гапларни айтди, у ҳеч нарсани билмас экан, ҳамма гаплари сиз ҳақингизда бўҳтон сўзларни тўқишдан иборат бўлди!—деди.

— Йўқ! —деб жавоб берди устоз унга, — унинг ҳамма гапирган сўзлари тўғри. Мен ҳақиқатан ҳам ёшлигимда нодон ва ярамас одам эдим. Аммо эс-ҳушимни йиғиб, илм ўқишга, вужудимни илм нури билан мунаввар қилишга эришдим. Илм шарофати туфайли мулойимлик ва камтарлик кўчасига кира олдим!

ШЕЪР:

**Жаҳон девдир сени тутмоқни кўзлар,**
**Аммо дев ҳам тегмас ким ширин сўзлар.**
**Эл учун ёқимли бўлса ҳар сўзинг,**
**Қаерда бўлмагин роҳатда ўзинг.**

БАЙТ:

**Оқин сув мисоли бўлгин хушхиром,**
**Кимга дуч келсанг ҳам кўрсат эҳтиром.**
**Ҳаракат қил элни айлагин ризо,**
**Қўл-оёғин ўпу, қилма норизо!**

Бир улуғ киши шундай деган эди:

— Менинг нафси аммораm ёмонлик томонга мойил булишини хоҳласа, мен доимо ўзимни яхшилик томонга бурдим. Натижада яхши деган номга мушарраф бўлдим!

БАЙТ:

**Яхшиларга солсам доим кўзимни,**
**Ёмонликдан асраб қолгум ўзимни!**

БАЙТ:

**Ўқиб-ўрганилган ҳар битта ҳунар,**
**Ҳунармандга бир кун фойда келтирар!**

Ростликнинг самараси ҳақида шундай ҳикоятни келтирадилар.

**ҲИКОЯТ.** Бағдод халифаси бир иморат қурдирмоқчи бўлди. Аммо иморатга мос устун тополмай, одамларини ҳар томонга югуртирди. Кўп уринишлардан кейин узоқ жойдан топишга муваффақ бўлдилар ва беҳисоб уринишлар билан Бағдодга олиб келдилар. Устунбоп ёғочни кўриш учун халифанинг ўзи кўпгина яқинлари билан чиқиб келди. Иттифоқо доно Баҳлул ҳам ўша жойдан ўтиб қолди. Одамларни ёриб ўтиб, устуннинг олдига келди ва унга қулоғини қўйиб, узоқ вақт туриб қолди. Халифа ундан:

— Устун нима деяпти? — деб сўради.

Баҳлул унга шундай деб жавоб берди:

— Мен устундан: «Сен бор йўғи бир ёғочсан, нима учун сени шунчалик эъзозу-икром қилишади, ҳаттоки халифанинг ўзи отга миниб сени кўргани келипти»— деб сўрадим. У эса: «Бу иззатнинг барчаси тўғрилигимдан!»— деб жавоб берди.

НАЗМ:

**Ёлгон сўздан сўзнинг қадри кам бўлди,**
**Кимки ростгўй бўлса муҳташам бўлди.**
**Қандай соз ҳар киши ёлғондан қочар,**
**Ростлик ғалабага доим йўл очар.**

БАЙТ:

**Тўғри юргани-чун ўқ ўз йўлида,**
**Эъзоз топди доим элнинг қўлида.**
**Субҳи содиқ[1] эди, кўргил, рост гуфтор,**
**Қуёш зарга ўраб қилди улуғвор!**

Ҳар ким ўз меҳнати билан кун кечирса ҳеч қачон бировнинг миннатини тортмайди, ҳеч кимга қарам бўлмайди ва таъна юкини кўтариб юрмайди. Чунончи бир бадавлат киши бир бечора ва камбағал ҳакимнинг олдига келиб:

— Эй ҳаким, сенга минг динор ҳадя қилмоқчиман,— деди.

Ҳаким унга:

— Агар берсанг сен учун яхши, борди-ю бермасанг мен учун яхши, чунки сенинг миннатингни тортишдан озод юраман! — деди.

БАЙТ:

**Ўз меҳнатидан нон еса киши,**
**Ҳотам миннатини тортмас ёз-қиши!**

Сабр — меҳнат ва машаққатга бардош қилмоқдир. Шунинг учун ҳам сабрни муваффақиятлар калити дейишади. Барча ишда чидаш ва сабр қилиш улуғ кишилар фазилатидир.

НАЗМ:

**Сабр билан банддан қутулар киши,**
**Сабр калит эрур бекилса иши.**
**Бесабрлик одат бўлса инсонга,**
**Отган ўқи асло тегмас нишонга.**

Ҳакимларнинг ёзишича дунёда саҳийликдан кўра аъло фазилат йўқ. Саҳий кишини барча яхши кўради. Саховат сўзининг маъноси шуки, киши ҳалол ишлаб топган пулидан элни ҳам баҳраманд қилади, яхши ва фойдали жойларга эл фойда олсин учун сарф қилади. Ёмон ишлар учун, ёмон кишилар учун, эл орасида обрў ва шуҳрат топишучун сарфланган пул саховат хислатидан бўлиб ҳисобланмайди Чунончи бу ҳақда шундай ҳикоятни келтирадилар.

# ФИЛЬМ ҚАҲРАМОНЛАРИ — ТУНИС ВАТАНПАРВАРЛАРИ

Биринчи марта фильм томоша қилганимда ўн ёшда эдим, — деб ҳикоя қилади тунислик режиссёр Омар Клифи, — ўшанда кинематографияни севиб қолдим. Бу ўзим туғилиб ўсган Солино қишлоғида рўй берган эди. Отам электростанцияда ишлар, онам эса тўрт қиз ва уч ўғлини парвариш қилиш билан банд эди. Мен кино ҳақида орзу қилсам ҳам, отамнинг иродасига бўйсуниб, университетда ҳуқуқ билимларни ўрганиш мақсадида Францияга йўл олдим. У ерда кинематография билан жиддий шуғулландим. Тунисга қайтгач, бошқа ҳаваскорлар билан бирга қисқа метражли фильмлар ишлаб чиқариш бўйича жамият таъсис этдим. Биз бир қатор фильмларни суратга олдик. «Тарихимиз саҳифаси» (1960), «Бизертедаги кўнгиллилар» (1961), «Мен икки ёш қизни учратдим» (1963) фильмлари шулар жумласидандир. Тўла метражли бадиий фильмни суратга олишдан олдин 14 ҳужжатли ва қисқа метражли бадиий фильмни экранлаштирдим.

...Биринчи Тунис тўла метражли бадиий фильми бўлган «Тонг» киноасарини Омар Клифи ўз сценарийси асосида экранлаштирди. Бу фильм V Москва халқаро кинофестивалида Тинчликни сақлаш Совет Комитетининг мукофотини олди, 1973 йилда эса у экранларимизга чиқарилди. Бу фильм озодлик кунининг байрам қилиниши ҳақидаги ҳужжатли кадрлар билан тугалланади. Экранда озод Туниснинг бахтиёр кишилари қиёфаси намоён бўлади. Камера одамларнинг юзида, озодлик учун курашганларнинг ёдгорликларида тўхтайди. Кадр ортидаги овоз шундай дейди: «Қаҳрамонлар ўлмайдилар, улар ўз ишларини давом эттираётган кишилар қалбида яшайдилар». Фильм жанр жиҳатидан қаҳрамонона саргузашт характерига эга: ёш тунисликлар ўз ватанларини озод қилиш учун босқинчиларга қарши кураш олиб борадилар, полиция машинасига ҳужум қиладилар, сотқинни ўлдирадилар, ўқ-дори сақланаётган омборхонани портлатадилар. Ҳаққоний акс эттирилган маиший манзаралар романтик воқеаларнинг ҳам ҳаётий, ишонарли бўлишини таъминлаган.

Омар Клифининг бундан кейинги картинаси «Исёнкор» деб номланди. Фильм 1969 йилда Москва фестивалида Тинчликни сақлаш Совет Комитетининг мукофоти билан тақдирланди.

Омар Клифининг VII Москва кинофестивалида кўрсатилган «Фаллоқлар» фильми айниқса эътиборга моликдир. Фильм Абдураҳмон Амморнинг «Муҳаббат ва инқилоб» романи асосида экранлаштирилган. Ундаги воқеалар миллий-озодлик курашининг реал воқеаларига асосланган. Фильмда партизан Мосбахнинг қаҳрамонона характери шаклланиши кўрсатилади.

Оддий деҳқон Мосбах ёш қариндоши Ребекни яхши кўрарди. Аммо Ребекни унинг ўз хоҳишига қарши француз армиясининг капитани Перро ёрдамида мустамлака қўшинлари аскарига Салоҳга турмушга берадилар. Бунга қаршилик кўрсатмоқчи бўлган Мосбахга капитан мушт туширади. Олишув бошланади. Мосбахни қамаб, уч йилга ҳукм қиладилар. Қамоқдан чиққач, у бир истак —ўзини азоблаганлардан ўч олиш хоҳиши билан ёнарди. Мосбах капитанни ўлдиради. Салоҳнинг ортидан пойлаб юради. У энди «фаллоқ» — «қонундан ташқари». Аммо унинг турмадан озод бўлиши 1957 йилги озодлик курашининг бошланишига тўғри келади. Мосбах қўзғолон кўтарганларга қўшилади. Унинг қарашларида ўзгариш рўй беради: у ўз қизиқишларидан жамият қизиқишларини устун қўя бошлайди. У ўз жасоратлари билан афсонавий қаҳрамонга, пертизан ҳаракатининг раҳбарига айланади. Ремада форти учун бўлган жангларда у ўз рақиби Салоҳни учратади. У ёш Тунис армиясининг жангчиси кийимида эди. Кечаги рақиблар бир-бирларига табассум билан тикиладилар...

Омар Клифининг «Оҳ-воҳлар» картинаси III халқаро Тошкент фестивалида намойиш этилди. У қолоқликка қарши, революция ва Африка бирдамлиги учун кураш олиб бораётган аёлларга бағишланган. Қолок урф — одатлар, инсон қалбини яралайдиган ўтмиш сарқитларига қарши кураш фильмнинг асосий мавзусидир.

— Сиз тўла метражли фильм яратдингиз. Улар жанр ва услуби, воқеа рўй берган вақт ва жой жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Сизнинг назарингизда уларни нима бирлаштириб туради?

Бу саволга Омар Клифи шундай жавоб беради:

— Халқлар озодлиги учун кураш мавзуси. «Тонг» — колониализм билан курашнинг бошланиши ҳақида ҳикоя қилганди. «Фаллоқлар» фильми ана шу кураш жараёни ҳақида. «Исёнкор» — халқнинг турк босқинчиларига қарши кураши ҳақида. «Оҳ-воҳлар» фильми эса ваҳшийлик ва ўтмиш сарқитларига қарши кураш, аёллар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги проблемасига бағишланган. Менинг сўнгги фильмим ҳам кураш мавзусига бағишланади. Бир группа ватанпарварларнинг ўз ҳаётларини ҳам аямасдан босқинчиларга қарши олиб борган кураши картина асосида ётади. Ёшларга мустақиллик қандай қийинчилик билан қўлга киритилганлигини эслатиш, менинг назаримда, фойдали ва муҳим бўлиб туюлади.

**Е. ҲАЙДАРОВ.**

# АКАДЕМИК ТЕАТР ҚЎҚОНДА

Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат Академик катта опера ва балет театрининг Қўқондаги гастроллари Пуччинининг «Чио-чио-Сан» операси билан бошланди. Театр қўқонликларга «Травиата», «Риголетто», «Севилия сартароши» классик операларини тинглаш имкониятини беради.

Тошкент саҳна усталари Фарғонада ҳам спектакллар кўрсатадилар.

(ЎзТАГ).

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

# ЯНГИ КИР ЮВИШ МАШИНАСИ

Чебоксаридаги В. И. Чапаев номли завод «Волга — 10» маркали, автомат тарзида кир ювадиган машинанинг янги моделини ишлаб чиқди ва уни ялпи тайёрлашга тахт қилиб қўйди. Ун олти программали бу машина тўрт килограмм кирни ювишга мўлжалланган. Машинадаги ҳамма жараёнлар — кирни ювиш, уни чайиш, кирни сиқиш, машинани ишга тушириш сингари жараёнлар уй бекасининг иштироксиз бажарилади.

Уй бекаси бу машинага кетадиган кирларни солиб унга етадиган порошокларни сепгач машинани керакли программага келтириб қўяди-да, иши бўлса ана шу юмушларини бажариш учун уйдан чиқиб ҳам кетиши мумкин. Юмушларини битириб қайтган уй бекаси пахтадек оппоқ қилиб ювилган ва сиқилган кирларни машинадан олиб уни ёяди. Сувни иситиш эса ҳар бири минг ватт қувватига эга бўлган 3 та электр иситиш воситалари ёрдамида бажарилади. Янги кир ювиш машинасининг оғирлиги 90 килограмм, унинг тахминий баҳоси 360 сўм туради.

РАҚҚОСА. Е. Ботиров фотоэтюди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

# БМТнинг ҚАРОРЛАРИГА ЗИД РАВИШДА

НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатлар Жанубий Африка Республикасидаги ирқчи режимга кенг кўламда ёрдам бермоқда ва БМТнинг кўпдан-кўп қарорларига зид ўлароқ претория маъмурлари билан иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамламоқда.

«Нью-Йорк таймс» газетасининг хабарига кўра, Жанубий Африкада АҚШ капитал маблағлари ҳажми ҳозир 1,5 миллиард долларга борган бўлиб, Африка қитъасида Американинг ҳамма капитал маблағларининг 40 процентини ташкил қилади.

Американинг корпорациялари нефть қазиш, кончилик ва автомобилсозлик соҳаларида ҳукмронлик қилади. АҚШнинг 350 дан ошиқ катта монополияси Жанубий Африка Республикасида ўз филиалларини очган. Бундан ташқари, газетанинг ёзишича, Америкадаги 28 банкнинг консорциуми яқинда Жанубий Африка Республикасига 200 миллион доллар қарз берган.

АҚШ, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси, Жанубий Африка Республикасидан қонунга хилоф равишда ванадий, платина ва марганец каби ноёб металлар келтириб, ўз эҳтиёжларини анчагина даражада қондирмоқда.

● ГБСП IX съезди олдидан

# СССР—ГДР: ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИК

БЕРЛИН. ГДР меҳнаткашлари Германия Бирлашган социалистик партиясининг IX съезди арафасида ўз республикасидаги социалистик қурилишнинг беш йиллик босқичини якунлаштирмоқдалар. Бу якунлар ғоят қувончли бўлиб, катта таассурот қолдирмоқда. Германия Демократик Республикасининг Совет Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорлиги ана шу даврда қўлга киритилган муваффақиятларда катта роль ўйнади.

Икки съезд ўртасидаги даврда иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик мавж уриб юксалди. Шу давр мобайнида ГДР билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик масаласи юзасидан 70 дан ортиқ шартнома ва битим имзоланди. Бу ҳамкорликнинг йўналишлари биргаликда лойиҳалар тузиш ва иншоотни қуриш билан, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш, биргаликда иш олиб борадиган хўжалик ташкилотларини вужудга келтириш, бир-бирларига олимларни ва мутахассисларни юбориш билан чекланиб қолмади. СССР ташқи савдо соҳасида ГДРнинг энг йирик шеригидир. ГДР ҳам 1959 йилдан буён Совет Иттифоқининг ташқи савдо оборотида биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

СССР хом ашё ва материалларнинг кўп турлари бўйича ГДР импорт эҳтиёжларининг талайгина қисмини қоплайди. ГДР саноати бу йил «Дўстлик» қувури орқали Совет Иттифоқидан 100 миллионинчи тонна нефть олади.

Шу беш йилликда ГДР 60 минг тонна металлургия ускуналарини, 5 мингга яқин кема дизель двигателлари ва генераторларини, 330 та темир йўл крани, 5,5 мингдан зиёд вагон-рефрижераторларини, 4,5 мингта пассажир вагони ва бошқа кўп буюмларни Совет Иттифоқига юборади. 1976—1980 йиллар мобайнида ҳар икки мамлакат ўртасида товар айирбошлаш 40 процент ортади ва 28 миллиард сўмга етади.

СССР ва ГДР олимларидан 15 мингдан ортиқ киши 800 дан кўпроқ илмий мавзуни биргалиидa ишлаб чиқмоқда. Ана шу мавзуларнинг кўпининг ишлаб чиқилиши ҳар иккала мамлакат ўртасида ишлаб чиқаришни тобора кооперативлаштиришнинг кўп жиҳатдан негизи бўлиб қолади.

# МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА

ГАВАНА. Кубада шакарқамиш ўришни механизациялаш даражаси йил сайин ошиб бормоқда. Шу қимматли экинзорларда совет инженерлари билан куба инженерлари биргалашиб ясаган шакарқамиш ўрувчи «КТП-1» комбайнлари тобора кўпроқ ишлатилмоқда. Шу йил жами ҳосилнинг 33 проценти машиналар ёрдами билан ўриб олинади.

Шу муносабат билан ҳозирги мавсумда шакарқамишни қўлда ўрадиган ишчилар аввалги йилга нисбатан 22.300 киши қисқарди.

(ТАСС).

Мана бу суратдаги баҳайбат оёқ кийимини кўряпсизми. Айтишларига қараганда ушбу пойафзални тикиш учун бешта катта ҳўкизнинг териси кетган. Австрия пойафзал фирмаси мазкур экспонат билан Мюнхендаги ярмарка томошабинларининг диққат-эътиборини ўз маҳсулотларига жалб этмоқчи бўлган.

ДПА — ТАСС фотоси.

▲ УЙ БЕКАЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН

# Рўзғорда қўллайсиз

Энг саранжом-сариштa ва тажрибали уй бекаси ҳам ошхонадаги барча икир-чикирларни йўқотаман деб шошиб қолиши табиий. Сутни қайнатаётган пайтда у тошиб кетса, гўшт куйиб кетса —буларнинг ҳаммаси ошхонада ёқимсиз ҳид қолдириши мумкин. Ана шундай ҳидларни йўқотадиган махсус препарат тайёрланди. «Кок» деб аталувчи бу препарат-аэрозолни Вильнюсдаги корхона ишчилари тайёрлашди. Ошхонадаги ёқимсиз ҳидларни йўқотаман деган уй бекаси ана шу аэрозольдан сепгандан сўнг бир неча минут ўтгач бу ҳиддан асар ҳам қолмайди, ошхонанинг ҳавоси ҳам ўзгаради.

● АЖАБ ДУНЁ ЭКАН

# Бировга чоҳ қазисанг...

Германия Федератив Республикасининг Кила шаҳридаги суд медицинаси институтининг лаборантқаси ҳайратдан бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Қўча ҳаракати қоидасини бузган автомашина ҳайдовчисидан олинган қон анализи қон таркибидаги алкоголь кишини ҳалок этиш даражасидан бирмунча ортиқ эканлигини кўрсатди.

Бу масала билан қизиқиб қолган полиция тафтиш ишларини олиб бориб, бу воқеа билан боғлиқ бўлган батафсил, ғалати хулосаларни тўплади. Маълум бўлишича, бир неча йилдан бери ҳеч чиқишолмай ундан қасд олиш пайида юрган полициячи ён қўшниси бўлмиш ҳайдовчини йўлда ушлаган. Полициячи ўзининг бу душманидан қасдини олиш мақсадида қўлга тушган ҳайдовчидан анализга олинган, қон солинган идишга бир неча томчи ликерни қўшиб қўйган. Энди қўшнимнинг бўладигани бўлди, деб хурсанд бўлди полициячи, у қамоқдан қочиб бўпти. Бироқ иш бутунлай бошқача бўлди.

Полициячининг бундай ҳатти-ҳаракати жамоатчиликни ғазаблантирди. Полициячилар бошлигининг ўз хизматчиси устидан жиноий иш қўзғашдан бошқа иложи қолмади. Бировга чоҳ қазиган полициячининг ўзи унга йиқилди — унинг ўзи қамаладиган бўлди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

# „ЗАНГОРИ ЭКРАН“да

## Ўзбекистон телевидениесининг ҳафталик программаси

### 17 МАЙ — ДУШАНБА

**Биринчи программа. Москва кўрсатади.** 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 Мультфильмлар программаси. 11.00 «Ҳайвонот оламида». 12.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 14.55 «Буюк бунёдкорлик кундалиги». Кинопрограмма. 15.55 «Сиз яратган боғ». 16.25 «Москва ёшлари ва студентларининг хори ижро этади». 16.50 «Сўз — олимларга». 17.05 Болалар учун. «Сизга намойиш этаман». Бадиий фильм (ГДР). **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Болалар учун мультфильм. **Рус тилида:** 18.50 Совет Армияси жангчилари учун. Туркистон Ҳарбий округи музейидан репортаж. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 19.30 «Германия Демократик Республикаси съезд арафасида. ГДРдан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.30 «Тошкентнинг кўргазма заллари бўйлаб». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 «Зангори экран» почтаси. Жиззах области телетомошабинларининг хатлари асосида. 23.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Телевизион театр. О. Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». 1-қисм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

**Иккинчи программа. Москва кўрсатади.** 18.30 «Ёшлар ижоди». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». **Тошкент курсатади.** 19.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 20.30 «Ўз фикримда қатъийман». Телевизион спектакль премьераси. 1-қисм. **Тошкент курсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Ўз фикримда қатъийман». Телевизион спектакль премьераси. 2-қисм. 23.50 Чавандозларнинг уч кураш бўйича СССР чемпионати якунларига доир. 00.20 Янгиликлар.

**Учинчи программа. Душанба кўрсатади.** 17.05 Кўрсатувлар программаси. 17.10 «Биз — пионерлармиз». Ҳужжатли фильм. 18.10 «Билим» телевизион мактаби (тожик тилида). 18.45 «Менинг ва сенинг «Уралмашинг». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 Янгиликлар (рус.). 19.30 **Москва.** «Германия Демократик Республикаси съезд арафасида». ГДРдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Халқ контроли ҳаракатда» (рус.). 21.00 Музикали экран. 21.10 «Ахбор». 21.25 «Давлат автоинспекцияси хабар қилади...». 21.30 «Жаҳон шоирлари Ленин ҳақида» (тожик тилида). 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

### 18 МАЙ — СЕШАНБА

**Биринчи программа. Москва кўрсатади.** 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Ўз фикримда қатъийман». Телевизион спектакль. 15.00 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 15.00 «Совет паспорти». 16.00 Бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг концерти. 16.30 «Ҳайвонлар ҳақида ҳикоялар». 17.00 «Днепропетровска — 200 йил». 17.30 «Асл йигитлар». **Тошкент кўрсатади.** 18.30 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 18.35 Мультфильм. 18.40 «Ёш куч». Спорт программаси (ўзб.). 19.10 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). **Москва кўрсатади.** 19.25 «Социалистик мусобақа кундалиги». **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.10 Ўн минут музика. 20.20 «Янгийўлликларнинг ташаббуси асосида». Қўқон ип-йигирув-пайпоқ тўқув комбинатининг директори Х. С. Абдуллаев интервьюси. 20.30 «Парвоз эт, қўшиғим». Музикали кўрсатув. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IV Тошкент халқаро кинофестивали олдидан. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 «Пахтачиликни янада ривожлантириш — асосий вазифамиз». 22.55 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Телевизион театр. О. Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». 2-қисм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

**Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади.** 11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Имтиҳонларга қандай тайёрланиш керак». Адабиётдан ўқув кўрсатуви (ўзб.). 17.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.30 «Инсон ва қонун». 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильм. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 19.25 Фарғона область Олтиариқ район Маданият уйи «Зилола» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 19.55 «Ҳамроқул ота». «Ўзбектелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильми. **Москва кўрсатади.** 20.10 И. С. Бах. «Оркестр ижроси учун ёзилган сюита». 20.30 «Пишган олчалар». Бадиий фильм. (ГДР). **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Ҳужжатли фильмлар экрани» (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Сизнинг фикрингизча». 23.40 Янгиликлар.

**Учинчи программа. Тошкент кўрсатади.** 18.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.00 Болалар учун фильм. 19.10 «Сени кутамиз, йигит». Бадиий фильм. 20.45 Тошкент янгиликлари. 21.00 «Ермек Серкебоев ижро этади». Фильм-концерт. 21.30 «Ҳозирги замон буржуа идеологиясининг инқирози». Тарихдан ўқув кўрсатуви. 22.00 «Тюленлар». Телевизион ҳужжатли фильм.

### 19 МАЙ — ЧОРШАНБА

**Биринчи программа. Тошкент кўрсатади.** 8.55 В. И. Ленин номли пионер ташкилоти ташкил топган кунга бағишланган Тошкент шаҳар пионерларининг тантанали линейкаси. В. И. Ленин номли майдондан олиб кўрсатилади. **Москва кўрсатади.** 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Эрталабки гимнастика машғулотлари». 10.30 «Горячилар, қаердасиз!». 11.15 «Пишган олчалар». Бадиий фильм (ГДР). 12.45 «Ёшлар ижоди». 14.55 Ҳужжатли фильмлар программаси. В. И. Ленин номли пионер ташкилоти туғилган кунга бағишланади. 15.30 «Шахмат мактаби». «Разрядлилар учун». Эндшпиль». 16.00 «Фан оламида». **Тошкент кўрсатади.** 16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 «Лайлаклар». Мультфильм. **Узбек тилида:** 16.50 Пионер дружиналарининг телевизион куриги. 17.30 «Биз — пионерлармиз». Ҳужжатли фильм (рус.). 18.30 «Миллионлар ленинча университети», «КПСС XXV съезди ҳозирги даврда партия раҳбарлик ролининг орта бориши тўғрисида». 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IV халқаро Тошкент кинофестивалининг тантанали очилиши. Концерт. Санъат саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 «Тўйлар ҳақида ўйлар». 22.50 Телемошабинларнинг талабларига биноан. Телевизион театр. О. Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». 3-қисм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

**Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади.** 15.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика (рус.). 16.00 Француз тили. Ўқув кўрсатуви. **Москва кўрсатади.** 16.30 Болалар учун. «Янгра, барабан». Бадиий фильм. 17.55 «Ирина Родининанинг бахти». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.55 «Голубой экран» эстрада оркестри чалади. 19.25 «Биз БАМни қурямиз»? 19.55 «Москва шаҳар пионерларининг В. И. Ленин номли пионер ташкилоти туғилган кунга бағишланган тантанали сбори. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани». (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 Останкино концерт студиясида пионервожатийларининг 1 Бутуниттифоқ слётига бағишланган кеча. 24.00 «Спортлото» тиражи. 00.10 Велосипед бўйича жаҳон пойгаси. Польшадан олиб кўрсатилади. 00.30 Янгиликлар.

**Учинчи программа. Тошкент кўрсатади.** 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. **Узбек тилида:** 19.20 «Тоғларда қолди менинг қалбим». Бадиий фильм. 20.40 Тошкент янгиликлари. 20.55 «Ҳозирги замон буржуа идеологиясининг инқирози». Тарихдан ўқув кўрсатуви. 21.25 «Фарзандлар ҳам қайтиб келишди». «Ўзбектелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильми (рус.). 21.50 «Тошкент» телепрограммаси. «450 минг тонна «оқ олтин». учун». 22.20 «Сиз ёқтирган ариялар». Концерт.

### 20 МАЙ — ПАЙШАНБА

**Биринчи программа. Москва кўрсатади.** 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 Болалар учун шеърлар. 10.45 «Асл йигитлар». 11.45 Пионервожатийларининг 1 Бутуниттифоқ слёти қатнашчилари билан учрашув. 15.00 «Меҳнатинг — иқболинг». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 «Давр. Китоб. Китобхон». 16.50 «Ахлоқ ва ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар». 17.00 «Оламга саёҳат». Шимолий Европа. **Тошкент кўрсатади.** 17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Мультфильм. **Рус тилида:** 17.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ишчи шу ердан бошланади». 18.20 Дирижёр бугун сиз билан бирга. 19.00 «Ахборот» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 19.15 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик демократияни ривожлантиришнинг актуал проблемалари». **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 19.45 «Ҳаммага манзур, фойдали ва кўнгилли». Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министри В. С. Содиқов суҳбати. 20.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Спартак» (Нальчик). 2-тайм. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 20.50 Ўн минут музика. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. Тошкент шаҳрида «Халқлар дўстлиги» мемориал комплексининг очилиши тўғрисида репортаж. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IV халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари билан учрашув. (рус.). 23.00 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Телевизион театр. О. Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». 4-қисм. (ўзб.). 24.00 Кўрсатувлар программаси.

**Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади.** 11.25 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 11.30 «Сут эмизувчиларнинг аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш». Зоологиядан ўқув кўрсатуви (ўзб.). 12.00 «Уст-Юртнинг қайноқ нафаси». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Сут эмизувчиларнинг аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш. Зоологиядан ўқув кўрсатуви. 16.25 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 17.25 М. Шолохов. «Тинч оқар Дон». 18.20 «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 19.00 Янгиликлар. **Тошкент кўрсатади.** 19.15 «Жанговар постда». (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 19.45 Г. Гендель. «Кончерто гроссо». 20.00 «Чеҳраларда нур». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.50 «Тўнғич ўғил». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзб). **Москва кўрсатади.** 22.30 Ҳужжатли экран. 23.45 Янгиликлар.

**Учинчи программа. Тошкент кўрсатади.** 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Қизча ва фил» (рус.). **Узбек тилида:** 19.20 «Фарҳоднинг жасорати». Бадиий фильм. 20.40 Тошкент янгиликлари. 20.55 «Ўзбекистон сувенирлари». «Ўзбектелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильми. 21.05 «Коммунизм қуриш даврида эстетика маданиятининг ривожланиши». Эстетикадан ўқув кўрсатуви. **Рус тилида:** 21.45 «Куйлаб, рақсга тушамиз». Концерт. 22.10 «Ўз халқининг фарзанди». «Ўзбектелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильми.

### 21 МАЙ — ЖУМА

**Биринчи программа. Москва кўрсатади.** 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Бор экан, йўқ экан». 11.00 «Тўнғич ўғил». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 12.10 «Сизнинг фикрингизча». 14.55 «Иван Гармаш». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.55 «Жонажон мамлакатимиз бўйлаб». Грузия ССР. 16.25 «Совет қонунчилигининг асослари». 16.55 «Овчилар». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «ЁШЛИК» студияси кўрсатади. «Тенгдошлар» (ўзб.). **Рус тилида:** 18.50 Тошкент телепрограммаси. «Дўстлик қўллари». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 Ота-оналар университети. **Узбек тилида:** 20.10 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IV халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари билан учрашув. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Ёш ижрочилар концерти. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 «Ўзбекистон чорвадори». 22.55 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. Телевизион театр. О. Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». 5-қисм. 23.55 Кўрсатувлар программаси.

**Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади.** 11.25 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 11.30 «Одам эволюциясининг этаплари ва факторлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Бир ғоя тарихи». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.30 «Одам эволюциясининг этаплари ва факторлари». Биологиядан ўқув кўрсатуви (ўзб.). 17.15 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.15 «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Кунертларнинг уч авлоди». Телевизион очерк. 19.45 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.30 «Сўз — олимларга». 20.50 «Тўнғич ўғил». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Самарадорлик ва сифат — диққат марказида». (рус). **Москва кўрсатади.** 22.30 Санъат усталарининг концерти. Союзлар уйининг Колонна залидан олиб кўрсатилади. 00.30 Велосипед бўйича жаҳон пойгаси. Польшадан олиб кўрсатилади. 00.45 Янгиликлар.

**Учинчи программа. Тошкент кўрсатади.** 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. **Рус тилида:** 19.15 «Тоҳир ва Зуҳра». Бадиий фильм. 20.40 Тошкент янгиликлари. 20.55 Чолғу куйларидан концерт. 21.25 «Тошкент» телепрограммаси. «Бунёдкор ва беш йиллик». 21.55 «Бир кун ва бир умрга». «Ўзбектелефильм» студиясининг телевизион ҳужжатли фильми.

### 22 МАЙ — ШАНБА

**Биринчи программа. Москва кўрсатади.** 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 11.00 «Тўнғич ўғил». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 12.10 «Диэло» вокал чолғу ансамблининг концерти. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 12.40 Ота-оналар, Сизлар учун. 13.10 Адабий ўқиш. В. Каверин. «Кўзгу олдида». 14.00 «Табиат ва инсон». 14.30 «Музикали календарь». 15.00 «Здоровье» програмасининг почтаси. 15.30 Болалар учун бадиий фильм. 16.40 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал. Сиёсий шарҳловчи. А. Каверзнев олиб боради. 17.10 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «камалак» программаси. 17.15 «Узоқ орол сири». Мультфильм. 17.45 «Қувноқлар даврасида» (ўзб.). **Узбек тилида:** 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.45 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.00 «КПСС XXV съезди материалларини ўрганамиз!». 19.30 Андижон сув омбори қурувчилари учун концерт. 20.10 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IV халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари билан учрашув (рус.). 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Дала ишлари кундалиги». **Москва кўрсатади.** 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. СССР — ЧЕХОСЛОВАКИЯ терма командалари. Киевдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа. СССР—БУЮК БРИТАНИЯ терма командалари. Киевдан олиб кўрсатилади. 23.45 Эстрада концерти. (ГДРдан олиб кўрсатилади). 00.35 Янгиликлар.

**Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади.** 10.05 Кўрсатувлар программаси. 10.10 Янгиликлар. **Узбек тилида:** 10.20 Телевизион миниатюралар театри. 11.00 Оталар учун консультация. (рус.). 11.30 «Ёшлар ижоди». Адабий кўрсатув. 12.00 «Май гулдастаси». Концерт. 12.55 «Физкультура ва спорт». Тележурнал. 13.25 «Ҳаракат хавсизлиги учун» (рус). **Москва кўрсатади.** 17.10 Рига хореография билим юрти талабаларининг концерти. 18.00 «Мўъжизасиз — мўъжизалар». 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильм. 19.30 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». АҚШ музейларидаги Ғарбий Европа ва Америка рассомлари асарларининг кўргазмаси. 2-кўрсатув. 20.00 «СССР халқ артисти Николай Мордвинов». 21.10 Озарбайжон композиторларининг романслари. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 21.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол зарбдор қурилишлари эстафетаси». Ёш Ленинчи» газета редакцияси ва «Ёшлик» студиясининг биргаликдаги кўрсатуви. 21.50 «Келинчак». Бадиий фильм. 23.05 Кўрсатувлар программаси.

**Учинчи программа. Душанба кўрсатади.** 16.40 Кўрсатувлар программаси. 16.45 Янгиликлар. 17.00 Тожикистонда, Қирғизистон ССР маданияти кунларининг тантанали очилиши. Республика сиёсий маориф уйидан олиб кўрсатилади. 19.00 «Ёшлар учун ҳарбий-спорт программаси». 20.00 «Инсон ва қонун». (рус.). 20.30 «Ахбор». 20.45 Концерт (тожик тилида). 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

### 23 МАЙ — ЯКШАНБА

**Биринчи программа. Москва кўрсатади.** 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Зарядкага сафланинг!». 10.30 «Будильник». 11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 12.00 Ёш бадиий ўқиш усталарининг конкурси. 13.00 «Музикали киоск». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 Адабий асарларни экранлаштириш. «Ревизор». Бадиий фильм. 16.35 «Кабардинка», рақсга тушади». Фильм-концерт. **Тошкент кўрсатади.** 17.00 Кўрсатувлар программаси. 17.05 Ўқувчилар учун. «Салом, музика» (рус.). **Москва кўрсатади.** 17.45 Халқаро панорама. **Тошкент кўрсатади.** 18.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). **Узбек тилида:** 18.30 «Шеърият мухлисларига». 18.40 «Идеология ва ҳаёт». Телевизион журнал. 19.10 «Назм ва наво». 20.10 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари IV халқаро Тошкент кинофестивали қатнашчилари билан учрашув. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Телевизион миниатюралар театри. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!». «Олтин водий» қишлоқ хўжалик ходимлари учун программа. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

**Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади.** 10.05 Кўрсатувлар программаси. 10.10 Янгиликлар. Болалар учун «камалак» программаси. 10.20 «Қизча ва юлдузча». Мультфильм. 10.30 «Светофор». Наманган ва Фарғона областларининг командалари мусобақалашмоқдалар (ўзб.). **Узбек тилида:** 11.30 «Севишганлар». Бадиий фильм. 12.50 Радио кунига бағишланган концерт. 14.50 «Киноэкран янгиликлари». «Экскурсия ва саёҳатлар бюроси таклиф этади». **Москва кўрсатади.** 17.00 «Ёзувчи Олес Гончар ижодининг саҳифалари». **Тошкент кўрсатади.** 17.45 Ўқитувчилар учун консультация (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 18.15 «Сизнинг хонадонингизда». Музикали программа. 19.00 Янгиликлар. 19.15 Мультфильмлар программаси. «Айболит ва Бармалей». «Синган сеҳрли таёқча». 19.50 «Домбай чўққиларида». 20.00 «Бу оқшом Фернандель келади» туркумидан телевизион бадиий фильм премьераси. (Италия — Франция). 20.45 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Русланова ижросида рус қўшиқлари. 21.10 «Киносаёҳатчилар клуби». **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 СССР Большой театрининг 200 йиллигига. Опера солистлари. 24.00 Янгиликлар.

**Учинчи программа. Фрунзе кўрсатади.** 17.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 17.05 Экран — болаларга. 17.30 «Спорт ҳақида ҳикоялар». 18.15 «Новинки» киноклуби. 19.15 Камер куйларидан концерт. 19.45 «Ўқитувчи» сенинг номинг олдида таъзим этамиз». **Қирғиз тилида:** 20.35 Экран — болаларга. 21.05 Телевизион фильм. 21.15 Концерт. 21.55 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

**15 МАЙ КЕЧ СОАТ 8 ДА,**
**16 МАЙ СОАТ 5 ВА 8 ДА**

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

## КОНЦЕРТИ

**ҚАТНАШАДИЛАР:**

УЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ.
КАРИМА УЗОҚОВА

**Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Фотима БАРАТОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Сора ШУКУРОВА, Халил АБДУЛЛАЕВ, Изомжон САДРИЕВ, Ражаб ИСМОИЛОВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ, Анвар РУСТАМОВ, Нодира АҲМЕДОВА.**

УЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

**Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҒУЛОМ ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.**

**Билетлар А. С. Пушкин боғи кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.**

*ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА*

14 МАЙДАН БОШЛАБ

## ЯНГИ ПРОГРАММА

«ХОН-ГИРЕЙ»

ОТЛАР-ЦИРК ПАНТОМИМАСИ

ДОҒИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ МИХАИЛ ИВАНОВ РАҲБАРЛИГИДА ВА ИШТИРОКИДА ДОРБОЗ-РЕКОРДСМЕНЛАР.
КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ.
МАСХАРАБОЗЛАРДАН ВАСИЛИЙ МОЗЕЛЬ ВА ВАСИЛИЙ БИКОВЛАР ҚАТНАШАДИЛАР.
КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Касса ҳар куни эрталаб соат 10 дан кеч 9 гача ишлайди.
Томошалар шанба ва якшанба кунлари 11.00, 15.00 ва 19.30 да бошланади.

Марказий «Юбилей» спорт залида

28 МАЙ КЕЧ СОАТ 7 ДА

## КЛАССИК КУРАШ БЎЙИЧА

ШВЕЦИЯ ВА УЗБЕКИСТОН ССР ТЕРМА КОМАНДАЛАРИ УРТАСИДА

## ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

Учрашувда 1976 йилги Европа чемпионлари Л. ШЕЛЬД, Ф. АНДЕРСОН, 1976 йилги СССР чемпиони В. АНИКИН, ўсмирлар ўртасида 1975 йилги жаҳон чемпиони К. ФАТХУЛИН ва бошқалар қатнашадилар.
ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ВА КОЛЛЕКТИВ БУЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ 14.00 дан 18.00 гача УТКАЗИЛАДИ.
Справкалар олиш учун телефонлар: 46-02-50, 46-03-21.

«УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ВА УЗБЕКИСТОН ССР 50 ЙИЛЛИГИ» НОМИДАГИ ТИКУВЧИЛИК БИРЛАШМАСИ ВА «ҚИЗИЛ ТОНГ» ФИРМАСИ ҚОШИДАГИ
127-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

## ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ — ЭРКАКЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ

**Билим юртига қабул қилинган ўрта маълумотлилар 30 сўм ҳажмида, аълочилар оширилган стипендия ва «фирма стипендиати» стипендиясини оладилар.**

**Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар оширилган стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 33 процентини оладилар.**

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН ТУГАТГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СТАЖИГА ЭГА БЎЛГАНЛАР КАБИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР УЧУН ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ЙИЛ.

**Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.** билим юрти директори номига ёзилган ариза, ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка, ота-онасининг иш жойидан справка, мактабдан характеристика, 3х4 см. катталикдаги 4 дона фотосурат ва паспорт.
ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

**МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:**

Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй. «Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номидаги тикувчилик бирлашмаси;
Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 21-уй.
«Қизил тонг» фирмасидаги билим юрти филиали;
Тошкент шаҳри, «Магазин мавзук» кўчаси, 136-уй, «Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли тикувчилик бирлашмаси қошидаги билим юрти филиали.

## ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —14 V да **Уйланиш**, 15 V да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14 V да **Нурхон**, 15 V да **Фарғона тонг отгунча** (Спектакллар кеч соат 19.30 да бошланади).

## КИНО

**14 МАЙДА**

**Дублер** — «ҚОЗОҒИСТОН» (18, 20, 22), «ДРУЖБА» (18, 20), «НУКУС» (18, 19.30, 21).

**Ут қаърига** — «УЗБЕКИСТОН» (18, 20, 21.30), «ДРУЖБА» (17, 19, 21). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 20, 21.30).

**Япония ҳалокати** — «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 19, 21), ҲАМЗА номли (18, 20), «КУКЧА» (17, 19, 20.50), «ТИНЧЛИК» (18.30, 21.45).

**Тошқин** — САНЪАТ САРОЙИ (18.30, 20.45).

**Севишганлар ҳақида романс**— «ЧАЙКА» (18, 20.45).

**Кўзгу** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (18, 20).

**Сангам** — НАВОИЙ номли (17, 20).

**Чанитанинг бўсаси** —«ВОСТОК» (18, 20, 21.30).

**Учрашувга интилиш** — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (17.30, 19, 21).

**Куз** — «МОСКВА» (18, 19.30, 21).

**Очкўзликка қарши маккорлик** — Ғ. ҒУЛОМ номли (17, 20).

**Э, бахтли инсон** (2 серия) — С. РАҲИМОВ номли (17.30, 20.30).

**Ёмғир ёғди, излар ювилди** — «МИР» (17, 19, 21).

**Андрей Рублев** — «ПИОНЕР» (17.30, 21).

**15 МАЙДА**

**Дублер** — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 14, 16, 18, 20, 22), «ДРУЖБА» (12, 14, 16, 18, 20), «НУКУС» (11, 13, 15, 16.30, 18, 19.30, 21).

**Ут қаърига** — «УЗБЕКИСТОН» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ДРУЖБА» (11, 13, 15, 17, 19, 21), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

**Япония ҳалокати** — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 13, 15, 17, 19, 21), ҲАМЗА номли (10, 11.30, 13, 14.30, 16, 18.30.), «КУКЧА» (11, 13, 15, 17, 19, 20.50), «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.15).

**Тошкент** — САНЪАТ САРОЙИ (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

**Севишганлар ҳақида романс** — «ЧАЙКА» (12, 15, 18, 20.45).

**Кўзгу** — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10, 12, 14, 16, 18, 20).

**Сангам** — НАВОИЙ номли (11, 14, 17, 20).

**Чанитанинг бўсаси** — «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.30).

**Шаҳарликлар** — «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (11.30, 13, 14.30, 16, 17.30, 19, 21).

**Куз** (13, 14.30, 16, 18, 19.30, 21). **Афоня** (10, 11.30): — «МОСКВА».

**Очкўзликка қарши маккорлик** — Ғ. ҒУЛОМ номли (11, 14, 17, 20).

**Эй, бахтли инсон** (2 серия) — С. РАҲИМОВ номли (11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

**Ёмғир ёғди, излар ювилди.** — «МИР» (11, 13, 16, 17, 19, 21).

**Бекатда уч соат**— «ТИНЧЛИК» (11).

**Андрей Рублев** — «ПИОНЕР» (17.30, 21).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ПИОНЕР ВА ЎҚУВЧИЛАР САРОЙИ
САРОЙИНИНГ СОБИҚ ХОДИМЛАРИ ВА ТУГАРАК ҚАТНАШЧИЛАРИГА
**16 МАЙ ЭРТАЛАБ СОАТ 10 ДА ҲАМЗА ТЕАТРИДА**
ПИОНЕР ВА ЎҚУВЧИЛАР САРОЙИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
**ТАНТАНАЛИ КЕНГАШ ЎТКАЗИЛИШИНИ**

**БИЛДИРАДИ**


## ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

### 14 МАЙ —ЖУМА

**Биринчи программа. Тошкент кўрсатади.** 18.15 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.20 «Ишлар шундай». «Ҳеч ким ўртоқ бўлишни хоҳламаган ўргимчак боласи ҳақида». Болалар учун мультфильмлар. 18.45 «КПСС XXV съезди қарорлари— ҳаётга!». «Сифат ва самарадорлик — диққат марказида». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг» (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 20.00 «Европа: Уэгаришлар даври». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи А. Потапов олиб боради. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Шеърият мухлисларига». Уйғун. «Севги қўшиқлари». 21.40 «Рубоб тароналари». М ва Ш. Мирзаевлар ижро этади. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Дала ишлари кундалиги» (ўзб.). 22.40 «Кўл бўйида». Бадиий фильм. 1-серия (рус.). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

**Иккинчи программа. Москва кўрсатади.** 18.15 «Пионер салюти». Концерт. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». 19.30 «Музикали абонемент». **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.00 «Жаҳоннинг машҳур композиторлари». К. Сен-Санс. 20.40 Реклама. **Москва кўрсатади.** 21.00 «Солдат мемуарлари». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм. «Қишлоқ ўқитувчиси». **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ҳужжатли фильмлар экрани (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Москва юлдузлари» санъат фестивалининг якунловчи концерти. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

**Учинчи программа.** 18.55 дан **Тошкент кўрсатади.**


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет.
14 МАЙ, 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ, 26-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33.02.49 дан 33.02.58 гача. Эълонлар бўлими—33-81-42.

Р — 03372. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. «Правда Востока» кўчаси, 26. ИНДЕКС 64570. Нашр В—3092.